

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

«Иқтисодиёт» кафедраси

**«ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИНГ КРЕДИТЛАШ
МЕХАНИЗМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ»
мавзусидаги**

МАГИСТРЛИК ДИССЕРТАЦИЯСИ

БАЖАРДИ: «Иқтисодиёт»
мутахассислиги магистранти
С.Ильмууродов

Кафедра мудири
доцент Э. Х Авазов

ИЛМИЙ РАҲБАР
и.ф.н Н.Х.Бекмуродов

Магистрлик диссертацияси кафедрада дастлабки ҳимоядан ўтган

Протокол № ____ « ____ » _____ 2013 й.

Т Е Р М И З - 2013

МУНДАРИЖА

	Бетлар
Кириш	2-6
I-боб. Тижорат банклари кредитлаш механизмининг назарий-ҳуқуқий асослари	7-37
1.1. Тижорат банклари кредитлаш механизмининг назарий асослари	7-15
1.2. Тижорат банклари кредитлаш жараёнини ташкил қилишнинг меъёрий - ҳуқуқий асослари	16-37
II-боб. Ўзбекистон тижорат банкларининг кредитлаш механизми	38-70
2.1. Ўзбекистонда тижорат банклари кредит қўйилмаларининг таркиби ва динамикаси	38-53
2.2. Тижорат банклари миқозларининг кредит тўловига лаёқатлилигини баҳолаш амалиётининг таҳлили	54-70
III-боб. Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг кредитлаш механизмини такомиллаштириш йўллари.	
3.1. Ўзбекистон тижорат банкларининг қисқа муддатли кредитлаш механизмини такомиллаштириш йўллари	71-76
3.2. Қисқа муддатли кредитлаш шаклларидан комплекс фойдаланиш	77-86
Хулоса	87-90
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	91-94
Иловалар	

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги. Кредитлаш жараёни тижорат банкларининг муҳим фаолият йўналишларидан бири ҳисобланиб, ундан самарали фойдаланиш банклар молиявий барқарорлигига бевосита таъсир кўрсатади. Бу ўз навбатида тижорат банкларининг кредитлаш механизмини доимий таҳлил қилиб, такомиллаштириб боришни тақозо қилади.

Кредитларни ўз муддатида қайтарилиши банклар ва мижозлар учун муҳим аҳамиятга эга эканлигига Президентимиз И.А.Каримов алоҳида эътибор қаратиб шундай дейди: “Табийки, биз орқа-олдига қарамай кредит бериш тарафдори эмасмиз, чунки уларнинг бир қисми охир-оқибатда қайтарилмай қолиши мумкин. Лекин банклар учун хусусий тадбиркорлар, кичик бизнес субъектлари орасидан ишончли мижозлар доирасини шакллантириш вақти келди. Токи кредитлар мижозларнинг қарзларни қайтариш борасидаги ишончли нуфузи ҳамда барқарор молиявий кўрсаткичлари асосида берилсин”¹.

Мустақиллик йилларида амалга оширилган банк тизимидаги ислохотлар уларнинг мамлакат иқтисодиётидаги ролини кучайтиришга, капиталлашув даражасини оширишга, иқтисодиётнинг реал секторини кредитлаш кўламларини кенгайтиришга ҳамда кўрсатилган хизматлар сифатини яхшилашга имконият яратди. 2012 йилда тижорат банклари активлари ва пасивлари жами капиталининг ҳажми 2000 йилга нисбатан тегишли равишда 5,5 ва 5,4 бараварга ҳамда иқтисодиётнинг реал секторига жойлаштирилган кредит қўйилмалари эса 5,2 бараварга кўпайди².

Тижорат банклари кредитлаш механизмида қатор муаммоларнинг мавжудлиги кредит портфели сифатининг ёмонлашувига олиб келмоқда. Бу эса, банкларнинг тўловга қобиллиги ва ликвидлигининг пасайишига сабаб бўлади.

¹ Каримов И.А. Банк тизими, пул муомаласи, кредит, инвестиция ва молиявий барқарорлик тўғрисида. - Тошкент: Ўзбекистон, 2005. -455 б.

² Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланди.

Иқтисодийни модернизациялаш босқичида республикамиз тижорат банкларининг кредитлаш механизмидаги айрим муаммоларнинг мавжудлиги кўзга ташланмоқда. Республикамизнинг баъзи банкларида муддати ўтган кредитларнинг жами кредит қўйилмалари ҳажмидаги салмоғининг ўсиш тенденцияси кузатилмоқда. Масалан, 2012 йилнинг 1 январь ҳолатига келиб, ТИФ Миллий банкида муддати ўтган кредитларнинг брутто кредитлар ҳажмидаги салмоғи 36,7 фоизни ташкил этди³. Шунингдек, баъзи тижорат банкларида кредитларнинг банк активлари умумий ҳажмидаги салмоғининг пасайиши кузатилмоқда. Юқорида қайд этилган кредит портфелидаги камчиликлар барча кредитларга хос бўлиб, уларни чуқур таҳлил қилиш тижорат банклари кредитлаш жараёнини барқарорлаштиришни тақозо этмоқда.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ўзбекистонда бозор иқтисодиётига ўтиш даврида банк тизимини ривожлантириш ва банклар фаолиятини эркинлаштириш билан боғлиқ масалалар Ш.Абдуллаева, С.Бержанов, О.Иминов, Т.Маликов, С.Норқобилов, О.Намозов, О.Олимжанов, З.Холмахмадов, А.Қодиров, Т.Қоралиев, У.Тухтабоевлар⁴ томонидан тадқиқ этилган.

Юқорида қайд этилган иқтисодчи олимларнинг илмий ишларида тижорат банкларининг қисқа муддатли кредитлаш механизми ва уни такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари мустақил магистрлик тадқиқот объекти сифатида ўрганилмаган. Илмий муаммонинг долзарблиги ва иқтисодий адабиётда етарли тадқиқ этилмаганлиги ушбу мавзунини тадқиқот мавзуси сифатида олиншига асос бўлди.

Диссертациянинг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Тадқиқот иши Термиз давлат университетининг

³ ТИФ Миллий банкнинг йиллик ҳисобот маълумотлари.

⁴ Абдуллаева Ш.З. Банк рисклари ва кредитлаш. - Тошкент: Молия, 2002. -304 б.; Кадыров А.К. Анализ финансово-хозяйственной деятельности банка. - Москва: Вазар-Ферро, 1995. -170 с.; Иминов О.К. Бозор иқтисодиёти шароитида кредит тизими ва уни такомиллаштириш йўллари. Иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати - Тошкент, 2002. -38 б.; Тухтабоев У.А. Муаммоли кредитлар ва уларни бартараф этиш йўллари. Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати, - Тошкент, 2007. -20 б.

“Иқтисодиёт” кафедраси илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ бажарилган.

Тадқиқот мақсади – Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг кредитлаш механизмини такомиллаштиришга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот вазифалари. Диссертация ишининг мақсадидан келиб чиқиб, унинг олдига қуйидаги вазифалар қўйилган:

- тижорат банклари кредитлаш механизмининг назарий-ҳуқуқий асосларини ўрганиш;
- хорижий банкларнинг кредитлаш механизмини тадқиқ этиш ва умумлаштириш;
- мамлакат тижорат банкларининг кредитлаш механизмини таҳлил қилиш ва унга хос бўлган ривожланиш тенденцияларини аниқлаш;
- тижорат банклари миқозларининг кредит тўловига лаёқатлилигини баҳолаш тизимларини таҳлил қилиш ва такомиллаштиришга қаратилган амалий таклифларни ишлаб чиқиш;

Тадқиқот объекти Ўзбекистон Республикасининг қатор йирик тижорат банклари ҳисобланади.

Тадқиқот предмети тижорат банклари кредитларини бериш ва қайтариш жараёнида юзага келадиган молиявий муносабатлардир.

Ҳимояга олиб чиқилаётган асосий ҳолатлар:

- тижорат банклари кредитларининг гаров таъминотига қўйиладиган талабларни унификациялаш ва уларни республика Марказий банки томонидан ўрнатилишини жорий этиш амалий таклифи асослаб берилди;
- ривожланган мамлакатлар банкларининг кредитлаш шаклларида комплекс фойдаланиш, миқознинг кредит тўловига лаёқатлилигини баҳолаш борасидаги тажрибаларини мамлакатимиз банклари фаолиятида ижодий қўллашнинг мақсадга мувофиқлиги асосланди;
- республикамизнинг йирик тижорат банклари кредит портфелининг диверсификация даражасини ошириш мақсадида ҳар бир тижорат банки

кредит қўйилмаларининг 25 фоиздан ортиқ қисмини битта тармоқда тўпланишига йўл қўймасликнинг мақсадга мувофиқлиги асослаб берилди;

– банк миждозларининг аксарият қисмида пул оқимининг бекарорлигини ҳисобга олиб, миждозларнинг кредит тўловига лаёқатлилигини баҳолашнинг молиявий кўрсаткичлар усулидан самарали фойдаланишни йўлга қўйишнинг лозимлиги таклиф этилди;

– қисқа муддатли кредитлашнинг овердрафт, контокоррент шаклларида унумли фойдаланиш шарт-шароитлари ишлаб чиқилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг кредитлаш механизмини такомиллаштиришга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилганлиги билан белгиланади.

Магистрлик тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидаги натижалар орқали намоён бўлади:

– банкларнинг кредитлаш механизмининг назарий-услубий асосларини такомиллаштиришга қаратилган илмий таклифлар ишлаб чиқилди;

– кредитнинг айланиш тезлиги ҳисобидан даромадлилик даражасини ошириш тижорат банклари фаолиятида устувор аҳамиятга эга эканлиги асослаб берилди;

– республикада тижорат банклари кредит портфелининг диверсификация даражасини пастлиги ва унинг таснифланган кредитлар ҳажмига нисбатан салбий таъсирининг мавжудлиги, қатор тижорат банкларида муддати ўтган кредитларнинг жами кредит қўйилмалари таркибидаги салмоғининг ўсиш тенденциясининг мавжудлиги ва уларнинг келиб чиқиш сабаблари аниқланди;

– тижорат банкларининг кредитлаш механизмини такомиллаштириш юзасидан илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилди.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот ишининг илмий аҳамияти шундаки, диссертация натижаларидан иқтисодиётни модернизациялаш босқичида тижорат

банкларининг кредитлаш механизмини чуқур махсус ўрганишга бағишланган илмий тадқиқот ишларида фойдаланиш мумкин.

Диссертацияда ишлаб чиқилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар мамлакатимиз тижорат банкларининг кредитлаш механизмини такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари ишлаб чиқилишида қўлланилиши мумкин. Диссертация материалларидан олий ўқув юртларида “Пул, кредит ва банклар”, “Банк иши” фанларининг ўқув дастурларини такомиллаштириш ва ўқитишда фойдаланиш мумкин.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Ишнинг ҳажми 95 бетдан иборат бўлиб, 10 та жадвал, 2 та расмларни ўз ичига олган.

1-БОБ. ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ КРЕДИТЛАШ МЕХАНИЗМИНИНГ НАЗАРИЙ-ТАШКИЛИЙ АСОСЛАРИ

1.1. Тижорат банклари кредитлаш механизмининг назарий асослари

Хўжалик юритувчи субъектларга ва аҳолига кредитлар бериш тарихан тижорат банклари фаолятининг асосий йўналиши ҳисобланади. Тижорат банкларининг пайдо бўлиш тарихига бағишланган илмий тадқиқотларга назар ташласак, банклар аввало биринчи новбатда кредит операцияларини бажариш зарурияти туфайли юзага келганлигини гувоҳи бўламиз. Аксарият муаллифларнинг қарашларига кўра, банклар товар-пул муносабатларининг ривожланиши билан боғлиқ равишда эмас, балки кенг кўламдаги кредит операцияларини амалга ошириш зарурияти туфайли пайдо бўлган. Рус иқтисодчи олими И.Трахтенберг фикрига кўра, капиталистик корхоналарнинг фаоляти кредитсиз ривожлана олмай қолган даврда, банклар, тарихий зарурият сифатида юзага келди, шаклланди⁵.

Дастлабки банкларнинг ходимлари шуни тушуниб етдиларки, ҳаракатсиз ётган йирик миқдордаги пул маблағларини вақтинчалик фойдаланишга бериш орқали катта миқдорда даромад олиш мумкин. Шу сабабли, кредитни бериш ва унинг қайтарилишини таъминлаш масаласи юзага келди. Дастлабки даврларда кредитлар учун гаров сифатида кемалар, товарлар, нодир металлар, уй-жойлар ва қуллардан фойдаланилди.

Тижорат банкларининг юзага келиши ва ривожланишига бағишланган қатор илмий тадқиқотларда банкларнинг фаолятида мижозларга ҳисоб-китоб хизматини кўрсатиш кредит операцияларидан кейин юзага келганлиги ўз исботини топган⁶.

Маълумки, кредит тўғрисидаги назариялар, жумладан, кредитнинг қиймат назарияси, капиталлашув назарияси ўтган асрнинг бошларида

⁵ Трахтенберг И.А. Современный кредит и его организация. - Москва: Л., 1931. -С.191.

⁶ Бортник М.Ю. Денежное обращение и кредит капиталистических стран. - Москва: Финансы, 1967. -С.47.

яратилган. Шу сабабли, мазкур назарияларда кредитдан фойдаланишнинг ҳозирги замон шароитидаги хусусиятлари инобатга олинмаган.

Ҳолбуки, ҳозирги даврда кредитдан фойдаланиш шарт-шароитларида сезиларли ўзгаришлар юз берди. Бу ўзгаришлар, бизнинг назаримизда, биринчи навбатда, халқаро банк амалиётида кенг қўлланилаётган Базель талаблари билан боғлиқ. Бунда кредит рискинни бошқаришга нисбатан белгиланган талабларни кучайишида, дунёнинг кўплаб давлатларида кредитнинг ялпи ички маҳсулот таркибидаги салмоғининг сезиларли даражада ўсаётганлигида, кредитлашнинг нисбатан янги шаклларида фойдаланиш кўламини кенгаётганлигида ва кредит таъминотида нисбатан белгиланган талабларни кучайишида намоён бўлмоқда.

Кредит қийматнинг ҳаракати эканлиги ҳамда бу ҳаракатни товар ва пул кўринишидаги маблағларни қайтариб беришлик, муддатлилик, тўловлилик асосида бериш натижасида юзага келиши кўпгина етакчи иқтисодчи олимларнинг илмий изланишларида ўз аксини топган.

Юқорида таъкидлаб ўтилган айрим муаллифларнинг кредит муносабатларига бағишланган ишларида таҳлил қилиш жараёнида кредит термини, кредитлаш жараёни кўрсатиб ўтилган. Айни вақтда, ушбу категорияга берилган таърифдан кредит ва кредитлаш фаолияти тўғрисидаги, кредитнинг макродаражада фақат бир томонлама эмаслиги исботланган. Кредитнинг функциялари, ҳаракат қонунлари ва охир-оқибат унинг иқтисодий ўсишдаги ўрни ҳақида тўлақонли маълумот берувчи назариялар шаклланган.

Шуниси характерлики, иқтисодий адабиётларда кредит тушунчасининг ўзи бир-биридан фарқланувчи икки шаклда талқин этилади. Биринчидан, кредит пул маблағларини маълум муддатга қайтариб беришлик ва фоиз тўлашлилик шартлари асосида беришни англатади. Иккинчидан, кредит сўзи таржима қилинганда “ишонч” деган маънони англатишини инобатга олсак, миждознинг кредит тўловига лаёқатлилиги кредиторнинг унга ишониш имконияти сифатида тушунилади. Шу сабабли, кредит банклар учун нафақат

пул маблағларини мижозга беришни, балки бошқа бир қатор амалиётларни, жумладан, банк томонидан мижоз мажбуриятлари бўйича кафолатлар беришни ҳам англатади. Бунда банклар томонидан кўпчилик ҳолларда кредитни бериш ва мижознинг мажбуриятларини кафолатлаш ўртасида мавжуд бўлган аниқ фарқлар ҳисобга олинмайди. Мижозларнинг мажбуриятларини кафолатлаш амалиётларига хужжатлаштирилган аккредитивлар қўйиш, мижознинг пуллик мажбуриятлари бўйича кафолатлар бериш, мижозларнинг векселлари бўйича авал бериш амалиёти киради.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, “Кредит” тушунчаси тўғрисида яна тўхталадиган бўлсак, кредитнинг ссуда капитали ҳаракатининг шакли эканлигини кўриш мумкин. Айрим ҳолларда кредит тушунчасига “қарзга берилаётган ссуда (товар, пул кўринишида) тижорат ишончи” дея таъриф берилишини гувоҳи бўламиз.

Бизнинг фикримизча, кредитга энг мақбул таъриф бу – вақтинча бўш турган маблағларни маълум муддатга, ҳақ тўлаш шарти билан қарзга олиш ва қайтариб бериш юзасидан келиб чиқадиган иқтисодий муносабатлар мажмуасидир.

Иқтисодий адабиётларда кредит фаолиятининг объекти ва субъектига таъриф бериш орқали иқтисодий фаолият турига кирувчи ва асосий мақсади даромад олишга ҳамда ўз манфаатларига эришишга йўналтирилган фаолиятга кредит фаолияти сифатида таъриф берилган. Кредит фаолияти деганда кредит муносабатлари қатнашчиларининг манфаатларини кўзлаб, ишлаб чиқариш характерига эга бўлган ҳамда банк хизматлари ва операциялари орқали амалга ошириладиган фаолиятнинг йиғиндисини тушунишимиз мумкин.

Кредит фаолияти кредит ресурсларига эҳтиёжни қондиришга йўналтирилган қайта тақсимлашни амалга ошириш ҳамда кредит фаолиятининг субъектлари учун даромад олиш имконини беради. Кредит фаолияти яратувчилик табиатининг моҳияти олинаётган ёки берилаётган ресурслар орқали ўз манфаатларига эришишдан иборат. У иқтисодий

муносабатларнинг ана шу жиҳатини етакчи ўринлардан бирига чиқаради. Кредит фаолиятининг қатнашчилари шу фаолият натижасида бевосита ёки билвосита даромад кўрадилар.

Кредит фаолияти барча манфаатдор тарафларга реал фойда келтиради. Қарз олувчилар маълум бир муддатга ўзларининг тижорат, ишлаб чиқариш ва бошқа шу каби манфаатларига етишиш мақсадида йирик пул капиталидан фойдаланиш имконига эга бўладилар. Кредиторлар эса фоиз кўринишида даромад оладилар. Бундан ташқари, кредит фаолияти ишлаб чиқаришга инвестициянинг кириб келишини рағбатлантиради, прогрессив таркибий силжишларга туртки бўлади. Бугунги кунда кредит иқтисодий макродаражада тартибга солишнинг муҳим воситаларидан бирига айланган. У миллий валюта ва баҳолар барқарорлигини, иқтисодий ўсишни таъминлаш каби бирламчи масалаларни ҳал этишда ёрдам беради. Шундай қилиб, кредит фаолиятини икки субъект - қарз олувчи ва қарз берувчи (кредитор)ларнинг бўлишини тақазо этадиган амалиёт дейиш мумкин.

Бозор иқтисодиёти шароитида хўжалик субъектлари иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш учун доимо қўшимча пул маблағларига эҳтиёж сезадилар. Ана шундай пул маблағларининг манбалари банкларнинг ўз ва жалб қилинган маблағлари бўлиши мумкин. Корхоналар маблағ етишмовчилигидан қийналаётган ҳолларда кредит ресурслари бозорига мурожаат қилишга мажбур бўладилар.

Молиявий ресурсларнинг асосий таъминотчиси бўлиб банк тизими ҳисобланади. На суғурта ва нафақа фондлари, на молиявий инвестицион компаниялар инвестицион фаолиятни юксалтиришда керакли молиявий қудратга эга эмасликлари сабабли, молиявий эҳтиёжларни қондириш имкониятига эга эмаслар. Бундан ташқари, республикамизда қийинчилик туғдирадиган омиллардан яна бири - бу қимматли қоғозлар бозорининг ривожланмаганлигидир.

Ресурсларни қайта тақсимлаш махсус воситачилар – яъни, янги пул яратувчилари бўлмиш банклар орқали амалга оширилишига асосий урғу

берилади. Мижозларнинг ҳисоб рақамларида сақланаётган маблағларни банклар назарий жиҳатдан ўз хохишларига кўра ишлатолмайдилар. Бу маблағлар банкка эмас, балки мижозга тегишлидир. Лекин айнан бир объектга турли томонлар эгалик қила олмайдилар, кредитнинг ҳажми назарий жиҳатдан ҳеч қандай чекланиш (чегара)ларга эга эмаслиги сабаби бу пулларнинг соф генерацияси банклардир.

Кредит ёрдамида иқтисодиётнинг тўлов воситаларига бўлган эҳтиёжи таъминланади, пул маблағларини фаол тўлов оборотидан чиқиб қолишига барҳам берилади, иқтисодиётнинг капиталлашув даражаси ошади. Айни вақтда, кредитнинг иқтисодиётга ва у орқали жамият ҳаётига салбий таъсири ҳам мавжуд. Масалан, иқтисодиётга ҳаддан зиёд кўп кредит ажратилса, бу ҳолат инфляциянинг кучайишига сабаб бўлиши мумкин. М.Фридменнинг фикрига кўра, тижорат банклари томонидан иқтисодиётни кредитлашни кескин ошириб юборилиши пуллар таклифини кучайишига ва шунинг асосида баҳоларнинг ўсишига олиб келади.

Кредитнинг миллий валюта курсига таъсири, фикримизча, пуллар таклифи нуқтаи-назаридан кўриб чиқилса мақсадга мувофиқ бўлар эди. Бунинг сабаби шундаки, муомаладаги пул массасининг 85-90 фоизи тижорат банкларининг кредит эмиссияси орқали шаклланади. Демак, миллий валюта таклифига таъсир қилувчи асосий омил – бу тижорат банкларининг кредит эмиссиясидир. Агар кредит эмиссиясининг миқдори кескин ошса, бу ҳолат миллий валютадаги нетто-активлар таклифининг ошишига олиб келади. Бунинг натижасида миллий валютанинг хорижий валютага нисбатан белгиланган алмашув курси пасаяди.

Ҳозирги шароитда, бизнинг назаримизда, кредитнинг неокейнсиан назариясининг тамойилларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Ушбу назария давлатнинг барча иқтисодий жараёнларда фаол иштирокига асосланади, бунда кредит асосий инструментлардан бири ҳисобланади.

Амалиёт шуни кўрсатадики, кредит воситасида пулларни хўжалик айланмасига киритиш ҳар қандай ҳолатда мумкин. Нақд пулсиз ўтказмалар

шароитида Марказий банк ҳам, тижорат банклари ҳам техник жиҳатдан исталган миқдордаги пулни муомалага чиқариши мумкин. Аммо тижорат банкларининг нақд пулни муомалага чиқариш имконияти чекланган. Чунки муомаладаги нақд пул миқдори Марказий банк балансининг пассивидаги мажбуриятлар суммасидан ошмайди ва нақд пулни эмиссия қилиш ваколати фақат Марказий банк зиммасидадир. Марказий банк муомалага чиқарадиган тўлов воситалари унинг балансини актив қисми доирасида амалга оширилади, тижорат банкларининг имконияти эса, уларнинг ликвидлилигига нисбатан белгиланган талаблар билан чегараланади.

Пул маблағларини кредит сифатида беришда, юқорида таъкидлаганимиздек, қуйидаги шартларга риоя қилиниши талаб этилади: муддатлилик; тўловлилик; қайтаришлик; таъминланганлик ва мақсадлилик. Табиийки, мазкур шартларни тўлиқ бажарилиши берилган кредит бўйича рискнинг ошишига йўл қўймайди. Кредитнинг мақсадлилиги унинг мижоз фаолиятининг банкка маълум бўлган ва банк томонидан маъқулланган йўналишга берилишини англатади.

Тижорат банкларининг кредитлаш механизмини ташкил қилиш, унинг самарадорлигини таъминлаш хусусидаги масалалар тўғрисида тўхталиб, Д.Мак Нотон ривожланаётган мамлакатларда кредитлаш механизмини ташкил қилишнинг зарурий шартларидан бири кредитларни гаров таъминоти асосида беришни одатий ҳол сифатида қабул қилишдир, деган хулосага келди.⁷ Унинг фикрига кўра, гаров сифатида олинадиган мулкнинг сотилиш баҳоси кредит ва унинг фоизини қайтаришга етиши лозим. Бу эса, мулкни доимий равишда қайта баҳолаб туришни тақозо қилади. Бизнинг фикримизча, олимнинг мулкни даврий баҳолаш тўғрисидаги фикри республикамиз амалиёти учун ҳам жуда муҳим ҳисобланади. Чунки мулкларнинг жорий баҳосини тез-тез ўзгариш ҳолати мамлакатимизнинг хўжалик амалиётига хос бўлган ҳолат ҳисобланади.

⁷ Д. МакНотон. Банковские учреждения в развивающихся странах. - ИЭР МБРР. - Вашингтон Д.С., 1993.- С.75

Ҳозирги кунда республикамызда миллий валюта курсининг чет эл валюталарига нисбатан доимий равишда ўсиб бориш тенденциясини ҳамда баҳоларнинг мунтазам ўсишини инобатга олган ҳолда кредит учун гаров сифатида қабул қилинган мол-мулк баҳосини ҳар ой ёки ҳар чорак якунига қайта баҳолашни йўлга қўйиш зарурдир.

Фикримизча, компенсацион қолдиқ халқаро банк амалиётида мижознинг кредит тўлови билан боғлиқ харажатларини камайтириш воситаси сифатида ўзини оқлаган. Уни республикамыз банк амалиётида қўллаш кредит линиясининг мижоз учун қулай кредитлаш шакли сифатидаги аҳамиятини янада оширишга хизмат қилган бўлар эди.

Ҳозирги замон жамиятида банклар кўп сонли ва хилма - хил молиявий хизматлар кўрсатадиган муассасага айланди. Улар орқали иқтисодиёт тармоқларини кредитлаш, қимматли қоғозларни сотиб олиш ва сотиш операциялари, корхоналарга тегишли мулкларни бошқариш операциялари ва бошқа бир қатор молиявий операциялар амалга оширилмоқда. Бироқ шунга қарамасдан кредит операциялари тижорат банклари учун бирламчи аҳамиятга эга бўлган операция сифатида сақланиб қолмоқда.

Қисқа муддатли кредитлаш бу кредитлаш объектлари, кредитлаш методлари, яъни кредитлаш тамойиллари бўйича кредит бериш ва қайтариш усулларига асосланган ҳолда кредитнинг капитал айланишида қатнашиши тушунилади.

Банкларнинг қисқа муддатли кредитлашини ташкил қилиш турли мамлакатларда давлатнинг меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларига асосланади. Яъни, банклар учун мижоз ва банк талабларини, Марказий банкнинг меъёрий ҳужжатлари, шунингдек, миллий тарихий банк ишларини ҳисобга олиш заруриятини билдиради.

Хорижий ва миллий иқтисодчилар кредитнинг моҳияти ва ролига нисбатан турли хил назарий ёндашувларга эга бўлсалар-да, уларнинг барчаси банкларни қисқа муддатли кредитлашни ташкил қилиш асосини корхонанинг

тўлов айланмаси қонуний эканлиги билан боғлашади⁸. Капитал айланишининг асосий қонуниятлари сифатида унинг узлуксиз таъминланиши тушунилади.

Жаҳон амалиётида тарихан қисқа муддатли кредитлаш тизимининг эволюцияси бир марталик мақсадли кредитларнинг умумий тўлов айланмасини кредитлашга ўтишга асосланган. Кредитларни бериш ва сўндиришнинг аниқ усуллари банкларнинг ташкилий хусусиятлари ва уларни корхоналар билан ўзаро муносабатлари, қонунчилик меъёрлари таъсири остида шаклланди. Бу усуллар Ғарб мамлакатларининг кредитлаш тизимларини бир-биридан фарқ қилувчи қисқа муддатли кредитлаш шаклларида ўз аксини топди. Масалан, АҚШда кредит линиялари⁹, Германияда контокоррент кредитлари¹⁰, Буюк Британияда овердрафт кредитлаш шакллари кенг қўламда қўлланилади. Амалиётда мазкур шакллар мижозлар тўлов айланмаси узлуксизлигини таъминлаш ва банклар кредитлаш ҳажмини ошириш имконини беради.

Мамлакат банкларининг кредитлаш механизмида корхоналарда ўз айланма маблағларининг кескин етишмовчилиги қисқа муддатли кредитлашни ривожлантиришнинг долзарблигини белгилайди.

Хулоса сифатида:

Биринчидан, тижорат банклари томонидан мижозни кредит линияси очиш йўли билан кредитлашда компенсацион қолдиқдан фойдаланиш, биринчидан кредит риси даражасининг пасайишига, иккинчидан, кредитлашнинг ушбу шаклининг иқтисодий жозибадорлигини ошишига олиб келади;

⁸ Левчук К.И. Эффективность краткосрочных кредитных вложений. - Москва: Финансы и статистика, 1988. - 109 с.; Лаврушин О.И. Банковское дело: современная система кредитования. Учеб. пос. / под. ред. О.И. Лаврушина. - Москва: КНОРУС, 2006. -256 с.; Қоралиев Т.М. ва бошқалар. Хўжалик юриштирининг ҳозирги босқичида кредит механизми ва банклар. –Тошкент, 1991. -80 б.; Абдуллаева Ш.З. Пул, кредит ва банклар. – Тошкент: Молия, 2007. - 348 б.

⁹ Тимоти У.Кох. Управление банком. Пер. с англ. В 5-ти книгах, 6-ти частях. Уфа: Спектр. Часть 5, 1993. -19 с.

¹⁰ Лексис В. Кредит и банки. - Москва: Перспектива, 1993. - С. 44-45.

иккинчидан, тижорат банклари биринчи навбатда қисқа муддатли кредитлаш институтлари ҳисобланади, шу сабабли, уларнинг брутто кредитлари ҳажмида қисқа муддатли кредитлар юқори салмоқни эгаллайди;

учинчидан, қисқа муддатли кредитлаш шаклларида фойдаланиш кўлами бўйича ривожланган мамлакатларнинг кредитлаш тизими бир-баридан фарқланади. Бу эса, мазкур мамлакатлар банк тизимининг ривожланиши, кредит механизмидаги ўзига хосликлар билан изоҳланади.

1.2. Тижорат банклари кредитлаш жараёнини ташкил қилишнинг меъёрий - ҳуқуқий асослари

Республикаимиз тижорат банклари кредит фаолиятининг ҳуқуқий асоси бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан қабул қилинган банк фаолиятига тегишли қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан қабул қилинган меъёрий ҳужжатлар тўплами ҳисобланади. Уларни 1 ва 2 иловалардан кўриш мумкин.

Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, “Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида”, “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”, “Акциядорлар жамияти ва улар ҳуқуқини ҳимоя қилиш тўғрисида”, “Банк сири”, “Аҳоли омонатларини кафолатлаш фонди тўғрисида”ги ва бошқа қонунларни келтириш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 40 - моддасига кўра, тижорат банклари юридик шахс бўлиб, уларнинг асосий мақсади фойда олишдир¹¹. Фақат етарли миқдорда фойда оладиган банкгина ўз акциядорларига дивиденд тўлашга, сармояни кўпайтиришга, фаолият кўламини кенгайтиришга, миждозларга кўрсатилаётган хизмат турларини кўпайтиришга, филиаллар тармоғини кенгайтириш билан бирга бозорда ўз мавқеини кўтариш имкониятига эга бўлади.

Банклар аҳолидан омонатларни жалб қилиб, ўзи таваккал қилиб рискни ўз бўйнига олган ҳолда жалб қилинган маблағларни кредит ва инвестиция амалиётларига йўналтиради. Фуқаролик кодексининг 765 ва 785 моддаларига ҳамда “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида” ги қонуннинг 39 - моддасига асосан банклар жалб қилинган омонат ва бошқа маблағларнинг тўлалигича сақланишини ва ўз вақтида тўланишини таъминлашлари шарт.

¹¹ Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси Тошкент: -2003. –Б. 300-308.

Кредитлаш жараёни Ўзбекистон Республикасининг “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги қонунининг 4-моддасига асосан қуйидаги тамойиллар орқали амалга оширилади:

- ◆ қайтарилиши;
- ◆ фоизлиги;
- ◆ муддатлилиги¹².

Бундан ташқари кредитнинг маълум бир мақсадга йўналтирилиши ва таъминланганлиги ҳам тамойил даражасида аҳамиятлидир.

Ўзбекистон Республикасида иқтисодиётни эркинлаштириш ва ислох қилиш сиёсати иқтисодиётнинг барча тармоқлари қатори банк тизимида ҳам кенг қўламда амалга оширилмоқда.

Кредитлаш жараёнини ташкил этиш, корхона ва ташкилотларнинг молиявий аҳволини таҳлил қилиш каби масалаларни тўғри амалга ошириш кредит риси даражасини пасайтиришга, ҳамда банк кредит портфелини сифатини яхшиланишига ижобий таъсир кўрсатади.

Тижорат банклари банк тизимининг муҳим бўғини бўлиб, кредит ресурсларнинг асосий қисми шу банкларда йиғилади, ҳамда бу банклар ҳуқуқий ва жисмоний шахсларга ўзларининг жозибатор хизматларини кўрсатадилар.

Давлатнинг иқтисодий жиҳатдан ривожланиш жараёнида хўжалик субъектларини кредитлаш тартибининг ўзгариши ҳам одатий ҳолга айланиб қолган. Марказлашган режали иқтисодиёт шароитида пул-кредит ресурслари корхоналарга режадаги маҳсулотларни ишлаб чиқариш ҳамда ажратилган фондли товар-моддий бойликларини сотиб олиш учун бериладиган маблағлар турларидан бири ҳисобланарди. Бошқача қилиб айтганда, ўша пайтларда пул-кредит ва молия сиёсати юқоридан бериладиган кўрсатмалар билан режалаштиришга асосланган. Бундай шароитда хўжалик

¹² Ўзбекистон Республикасининг “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги Қонуни. Тошкент: Ўзбекистон, 1996 йил 25 апрел. Ўзбекистон банк тизимини ислох қилиш ва эркинлаштириш бўйича қонунчилик ҳужжатлари тўплами. - Тошкент: Ўзбекистон, 2003. -Б. 30-46.

субъектларига қисқа муддатли кредитлар берилишини ташкил этиш ва жорий кредитлаш механизми моддий ресурсларни марказдан туриб тақсимлаш ва уларнинг режали ҳаракати манфаатларига хизмат қилган.

Мустақиллик йилларининг бошларида ташкил қилинган банк тизими бозор иқтисодиёти тамойилларига мос келувчи банк тизимининг бошланғич пиллапояси сифатида фаолият бошлаган.

Республика иқтисодиётининг бозор муносабатларига ўтиши меъёрий ҳужжатлар мазмунини тубдан ўзгартириш, кредитлаш объектларига, қарз ҳисоб рақамлари ва гаров таъминоти ҳамда бошқа молия воситаларига янги ёндошувлар ишлаб чиқиш эҳтиёжини вужудга келтирди.

Бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтилиши ва унинг ривожланиши республика тижорат банкларида кредит беришнинг меъёрий базасини тубдан ўзгартиришни талаб этди.

Республикада мулкчиликнинг турли шакллари вужудга келиши, кредит таъминоти ва кредитлаш тартибидаги ўзгаришлар ҳисобга олиниб, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан 1996 йил 20 апрелда “Хўжалик субъектларига қисқа муддатли кредитлар бериш қоидалари” ишлаб чиқилди. Шунга асосан барча банклар қисқа муддатли кредитлар бериш тартибини амалга ошира бошлади.

Қисқа муддатли кредитлаш механизмида юзага келган ўзгаришларни ҳисобга олиб, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан 1998 йил 26 декабрда “Ўзбекистон Республикаси ҳудудида хўжалик субъектларига қисқа муддатли кредитлар берилишини ташкил этиш қоидалари” янги таҳрирда ишлаб чиқилди ва шунга асосан тижорат банклари кредитлаш жараёнини амалга оширди.

Тижорат банкларини кредитлаш жараёнини ташкил этишдаги кейинги ўзгаришларга “Банк тизимини янада эркинлаштириш ва ислоҳ қилиш

борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги Президент Фармони асос бўлди¹³. Бу Фармонга асосан кредитлаш борасида тижорат банкларининг мустақиллигини ошириш, кредитлаш жараёнини кенгайтириш ва такомиллатириш масалаларини амалга ошириш кўзда тутилди. Бозор иқтисодиёти шароитида ҳар бир банкни сиёсий, иқтисодий ва ички хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда фаолият юритиши амалда мустақил бўлишини талаб этади. Тижорат банклари шунга мувофиқ ўзининг мустақил кредит сиёсатини ва кредитлаш низомини ишлаб чиқишди. Ҳозирги кунда ҳар бир тижорат банки қисқа муддатли кредитлаш механизмини “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги қонунга, кредит сиёсатига ва бошқа меъёрий ҳужжатларга мувофиқ амалга оширмоқда. Бу эса барча банкларнинг ягона умумий меъёрий ҳужжат асосида эмас, балки мустақил равишда, ўз фаолиятининг хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда, кредитлаш жараёнини ташкил этишга имконият яратади. Шундан келиб чиққан ҳолда, ҳозирги кунда тижорат банклари кредитлаш жараёнини ташкил этиб, уни йилдан-йилга такомиллаштириб бормоқдалар.

Энди биз тижорат банкларининг кредит фаолиятига таълуқли бўлган меъёрий ҳужжатларнинг асосийларини таҳлил қилишга ўтамиз.

Меъёрий ҳужжатларнинг ичида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан тижорат банкларининг кредит сиёсати бўйича белгилаган талаблари муҳим аҳамиятга эга.

Тижорат банкларини кредитлаш жараёнини самарали ташкил этиш учун, биринчи навбатда, уларнинг кредит сиёсатини ишлаб чиқиш лозим. Шу мақсадда биз банкларнинг кредит сиёсатига қўйилган талаблар ва тижорат банклари кредит сиёсатининг асосий жиҳатлари амалда қанчалик тўғри ишлаб чиқилганлигини таҳлил қиламиз.

¹³ “Банк тизимини янада эркинлаштириш ва ислоҳ қилиш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги Президент Фармони Тошкент, 2000. Ўзбекистон банк тизимини ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш бўйича қонунчилик ҳужжатлари тўплами. - Тошкент: Ўзбекистон, 2003.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг “Тижорат банкларининг кредит сиёсатига қўйиладиган талаблар тўғрисида”ги низомида кредит сиёсатини ишлаб чиқишга нисбатан аниқ талаблар қўйилган. Унда “Банкнинг кредит сиёсати – кредитлаш жараёнида юзага келувчи рискларни бошқаришда банк раҳбарияти томонидан қабул қилинадиган чоралар ва услубларни белгиловчи ҳамда банк раҳбарияти ва ходимларини кредит портфелини самарали бошқаришга доир кўрсатмалар билан таъминловчи ҳужжатдир”¹⁴ – деб аниқ белгилаб қўйилган. Бунинг ижобий томони шундаки, кредитлаш жараёнида рисклар бўлишининг ва кредит портфелини самарали бошқариш учун кредит сиёсати зарурлиги алоҳида таъкидланган. Унинг яна бир муҳим томони шундаки, кредит сиёсати кредитлаш жараёни ва у билан боғлиқ рисклар пайдо бўлишидан олдин ишлаб чиқилиши ва рискларни юзага келишига йўл қўймаслиги ҳамда кредитлаш бўйича олдиндан белгилаб олинган қоида ва ечимларни тўғри ҳал қилинишига эришиш лозимлигини кўзда тутди.

Ушбу Низомда қуйидаги аниқ талаблар акс эттирилди:

1. Тижорат банкининг кредит сиёсати алоҳида ҳужжат шаклида ишлаб чиқилиши ва Банк кенгаши томонидан тасдиқланиши шарт.

2. Кредит сиёсатини ишлаб чиқиш юзасидан жавобгарлик банк Бошқаруви ва Кенгаши аъзоларига юклатилади.

3. Банкнинг кредит сиёсати бир йилда камида бир марта қайта кўриб чиқилиши ва тегишли йилнинг 1 февралига қадар Кенгаш томонидан тасдиқланиши шарт.

4. Банкнинг мақоми ва жойлашган ўрнидан қатъий назар кредит сиёсатида қуйидаги масалалар ўз аксини топган бўлиши керак:

- бериладиган кредитларнинг ҳажми ва турлари;
- қисқа ва узоқ муддатли кредитларнинг ўзаро нисбати;
- молиявий маълумотларни таҳлил қилиш тартиби;

¹⁴ Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг “Тижорат банкларининг кредит сиёсатига қўйиладиган талаблар тўғрисида”ги 905-сонл низоми, 2000 йил 21 март.

- кредит портфелини таҳлил қилиш тартиби;
- кредитларнинг қайтарилишини таъминлаш чоралари;
- кредит сиёсатининг мақсади ва стратегияси;
- ваколатлар даражаси ва жавобгарликнинг тақсимланиши;
- кредитларнинг турлари ва шакллари;
- кредитларнинг кредитлашни турли кўрсаткичлари бўйича қопланиши;
- кредитларни қопланиши;
- миждозлар бўйича молиявий маълумотлар;
- гаров таъминотида қўйиладиган талаблар;
- кредит мониторингига қўйиладиган талаблар;
- фоиз ставкалари;
- ўзаро дахлдор шахслар билан боғлиқ бўлган операциялар;
- балансдан ташқари моддалар;
- кредит портфелини аудит қилиш;
- банк Бошқарувига ва Кенгашига тақдим қилинадиган ҳисоботлар.

Бугунги кунда ҳар бир тижорат банки ўзининг кредит сиёсатига эга бўлиб, уни доимий равишда такомиллаштириб боришга эътиборни қаратишлари лозим.

Тижорат банклари фаолиятида кредит рискларини камайтириш ҳозирги кунда кредит сиёсатининг бош мақсади десак муболаға бўлмайди. Кредитлаш жараёнида кредит rischi даражасини пасайтириш мақсадида Марказий банкининг 1998 йил 2 декабрдаги 557-сонли “Бир қарздор ёки ўзаро дахлдор бўлган қарздорлар гуруҳига тўғри келувчи рискнинг энг юқори даражаси тўғрисида”ги низомида келтирилган қуйидаги талабларга риоя этилади:

- тижорат банкларининг бир қарз олувчига тўғри келадиган таъминланган кредитининг энг юқори миқдори банкнинг биринчи даражали капиталига нисбатан 0,25 қилиб белгиланган;

-тижорат банкларининг бир қарз олувчига тўғри келадиган таъминланмаган кредитининг энг юқори миқдори банкнинг биринчи даражали капиталига нисбатан 0,05 дан ошмаслиги лозим.

Шуни алоҳида айтиш лозимки, халқаро амалиётда бир қарздорга бериладиган кредит рискинни камайтириш мақсадида синдициялашган кредитлар туридан фойдаланилади.

Ҳозирги вақтда синдициялашган кредитлар бериш евровалюталар бозорида кредитлашнинг асосий шаклларида бирига айланган.

Синдициялашган кредит деганда икки ва ундан ортиқ банкни вақтинчалик банк синдикатига бирлашиб, улар томонидан битта мижозга бериладиган кредитларни тушуниш мумкин.

Банк синдикатини яратишнинг зарурлиги бизнинг назаримизда қатор сабаблар билан изоҳланади. Улар орасида асосийлари, қуйидагилардан иборат:

– йирик объектларни молиялаштириш мақсадида бир неча тижорат банкларининг ихтиёридаги вақтинчалик бўш пул маблағларини бирлаштиришнинг зарурлиги;

– синдикатга кирувчи банклар ўртасида кредит рискинни тақсимлашнинг зарурлиги;

– фойда олиш имкониятини мавжудлиги;

– банкларнинг кредит ресурслари етарли бўлмаган шароитда уларнинг йирик инвестицион лойиҳаларда иштирок этиш имконияти.

Синдициялашган кредитлар бериш жараёнини таҳлил қилиш натижалари шуни кўрсатадики, ушбу кредитларнинг ҳажми йилдан-йилга ўсиш суръатига эга. 1972 йилда синдициялашган кредитларнинг умумий суммаси 8,6 млрд. АҚШ долларини ташкил қилган бўлса, 1982 йилда 90,7 млрд. долларни, 2001 йилда 417 млрд. АҚШ долларни, 2003 йилда эса, 500 млрд. долларни ташкил этган¹⁵.

¹⁵ The Wall Street Journal. N-Y. 17.12. 2004.

Кейинги йилларда синдициялашган кредитлар бериш механизмида сезиларли ўзгаришлар юз бермоқда. Шундай ўзгаришлардан бири йирик халқаро тижорат банкларининг бу соҳадаги монопол мавқеига путур етганлигидадир.

Ҳозирги вақтда Ғарбий Европадаги қатор компаниялар мустақил равишда синдикатлар ташкил қилиб, йирик миқдордаги ресурслар жалб қилиш муаммосини ҳал қилмоқдалар. Бунга мисол қилиб, Буюк Британиянинг Vodafone компаниясини келтириш мумкин. Ушбу компания 2004 йилга қадар тўртта синдициялашган кредит ташкил қилган ва 50 млн. АҚШ доллари миқдоридаги суммани тежаб қолди. Бу сумма синдициялашган кредитни ташкил қилган тижорат банкларига тўланиши лозим эди.

Банк капиталининг 10 фоизидан ошадиган битта миқдорга бериладиган кредитга йирик кредит деб айтилади. Шунини таъкидлаш лозимки, банк учун “Йирик” тоифага кирадиган ва бир қарз олувчига бериладиган кредитлар миқдорини шу қарз олувчининг ўз маблағлари миқдоридан ошмаслик тавсия этилади.

Тижорат банклари томонидан бериладиган йирик кредитларнинг умумий миқдори кўрсаткичининг энг юқори даражаси регулятив капиталга нисбатан 8 баробар қилиб белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш мақсадида қатор меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиққан.

Имтиёзли кредитлаш Жамғармаси ҳисобидан бериладиган кредитлар “Тижорат банклари томонидан кичик ва ўрта бизнес субъектлари, деҳқон ва фермер хўжалиқларига имтиёзли кредитлаш махсус жамғарманинг маблағлари ҳисобидан кредит бериш тартиби тўғрисида” ги 2000 йил 19 майдаги низомига мувофиқ берилади.

Тижорат банкларида имтиёзли кредитлаш жамғармаси банк фойдасидан (солиқ тўлангандан сўнг), 25 фоиз миқдорида ажратмалар ўтказиш ҳисобига

шаклланади. Бунда ажратмаларнинг 85 фоизи филиал ихтиёрида қолади. Жамғармага чоракда бир марта, биринчи ойининг 10 санасидан кечикмасдан, банк Бизнес-режасида кўзда тутилган чораклик соф фойданинг режаланган суммасидан ажратмалар ўтказилади.

Микромолиявий хизматлар бозорини ривожлантириш, фуқароларнинг ва тадбиркорлик субъектларининг ишчанлик фаоллигини ошириш учун уларнинг молиявий маблағлар ҳамда хизматларга бўлган эҳтиёжларини таъминлаш соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг “Микромолиялаш тўғрисида”ги қонуни 2006 йил 15 сентябрда қабул қилинди. Ушбу қонунга асосан, микрокредит, микроқарз ҳамда микролизинг тушунчалари ифода этилган. Микромолиявий хизматлар кўрсатувчи ташкилотлар қонунга мувофиқ микромолиявий хизматларни амалга оширадilar.

Кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб қувватлаш механизмини такомиллаштириш ҳамда кредит бериш жараёнини имкон қадар соддалаштириш ва қулай бўлишини таъминлаш мақсадида қатор (“Тижорат банклари томонидан юридик шахс мақомини олмасдан фаолият кўрсатувчи якка тартибдаги тадбиркорлар ва деҳқон хўжаликларини миллий ва чет эл валютасида микрокредитлаш тартиби тўғрисида” 2000 йил 29 февралдаги 902-сонли, “Тижорат банклари томонидан юридик шахс мақомини олиб фаолият кўрсатаётган фермер хўжаликлари ва кичик бизнеснинг бошқа субъектларини миллий ва чет эл валютасида микрокредитлаш тартиби тўғрисида” 2000 йил 29 февралдаги 903-сонли, “Тижорат банклари томонидан якка тартибдаги тадбиркорлар, кичик ва ўрта бизнес субъектларини бюджетдан ташқари жамғармаларнинг кредит линиялари ҳисобидан кредитлаш тартиби тўғрисида”ги 2001 йил 3 октябрдаги 1074-сонли, “Тижорат банклари томонидан иш билан таъминлашга кўмаклашувчи давлат жамғармаси кредит линиялари ҳисобидан оилавий тадбиркорлик субъектларига микрокредитлар бериш тартиби тўғрисида”ги 2002 йил 3 июндаги 1146-сонли низом) меъёрий ҳужжатлар

мувофиқлаштирилди ва янги таҳрирда ягона, “Тижорат банклари томонидан кичик бизнес субъектларига бюджетдан ташқари жамғармалар ва Тадбиркорбанк кредит линиялари ҳисобидан микрокредитлар бериш тартиби тўғрисида”ги 1548-сонли низом 2006 йил 21 февралда ишлаб чиқилди. Бундан асосий мақсад, банкларда ҳужжатлар сонини қисқартириш ва тадбиркорлар учун кредитлаш механизмидан фойдаланишда қулайлик яратишдир. Чунки ҳужжатлар сонининг кўп бўлиши, уларни ўрганиш ва амалиётда қўллаш жараёнида маълум чалқашликларни келтириб чиқариши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фаолият кўрсатаётган бюджетдан ташқари жамғармалар: – Деҳқон ва фермерларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси, Иш билан бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси ҳамда собиқ “Бизнес Фонд”га қарашли кредит линияларини АТ “Микрокредитбанк” имтиёзли кредит ресурслари ҳисобидан тижорат банклари ўз миқдорларига кредитлар бермоқда.

Бюджетдан ташқари жамғармалар кичик бизнес субъектларини кредитлашда муҳим ўрин тутди. Шу билан бирга, бюджетдан ташқари жамғармалар кичик бизнес субъектларини молиявий ресурслар билан таъминлашнинг иккинчи манбаси ҳам ҳисобланади.

Дастлабки сармояни шакллантириш учун кредитлар микрофирмалар, кичик корхоналар, деҳқон хўжаликлари ва фермер хўжалиklarининг фаолиятини бошлаш учун айланма маблағларни шакллантиришга, инвестиция лойиҳасининг техник–иқтисодий асосланишини ишлаб чиқишга, асбоб-ускуналар сотиб олиш учун берилади.

Дастлабки сармояни шакллантиришга микрокредитлар юридик шахс мақомини олиб фаолият кўрсатаётган деҳқон хўжаликлари ва микрофирмаларга энг кам иш ҳақининг 150 бараваригача миқдорида ҳамда кичик корхона ва фермер хўжалиklarига энг кам иш ҳақининг 300 бараваригача бўлган миқдорда берилади. Ушбу микрокредитлардан

фойдаланганлик учун фоиз миқдори Марказий банкнинг амалдаги қайта молиялаш ставкасининг 1/6 қисмини ташкил этади.

Дастлабки сармояни шакллантиришга кредитлар уч йилгача муддатга, кредитларни қайтариш муддатини узайтириш ҳуқуқсиз берилади. Мазкур кредитлар учун биринчи йил имтиёзли давр бўлиб, кейинги йилдан фоиз ундириш бошланади. Кредитлар учун ҳисобланган фоизлар дастлабки 12 ой мобайнида даромад солиғи ҳисоблаш базасига киритилмайди.

- Тижорат банклари томонидан бюджетдан ташқари жамғармалар кредит линиялари ҳисобидан кичик бизнес субъектларига ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва фаолиятини ривожлантириш мақсадлари учун микрокредитлар берилмоқда. Хусусан, юридик шахс мақомини олмасдан фаолият кўрсатувчи якка тартибдаги тадбиркорлар ва деҳқон хўжаликларига энг кам иш ҳақининг 200 бараваридан ҳамда юридик шахс мақомини олиб фаолият кўрсатаётган тадбиркорлик субъектларига энг кам иш ҳақининг 1000 бараваридан кўп бўлмаган миқдорда берилади.

Бюджетдан ташқари жамғармаларнинг кредит линиялари ҳисобидан бериладиган кредитлар учун имтиёзли фоиз ставкаси кредитланаётган инвестицион лойиҳаларнинг йўналишидан келиб чиқиб, қуйидаги миқдорларда белгиланади:

– деҳқон ва фермер хўжалиklarини ривожлантириш ва кенгайтириш, шу жумладан, қишлоқ хўжалиги техникасини сотиб олиш, фермерлик иншоотларини қуриш, чорвачилик, паррандачиликни ривожлантириш учун микрокредитлар Марказий банкнинг амалдаги қайта молиялаш ставкасининг 1/3 қисми миқдорида;

– ишлаб чиқариш ҳамда хом-ашё ва материалларни тубдан қайта ишлаш, хунармандчиликни ривожлантириш, касаначилик меҳнатини ташкил этиш, бинокорлик материалларини ишлаб чиқариш ва қурилиш мақсадлари учун микрокредитлар Марказий банкнинг амалдаги қайта молиялаш ставкасининг 40 фоизи миқдорида;

– аҳолига тиббий хизмат кўрсатишни ташкил этиш, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш, туризм соҳасини ривожлантириш мақсадлари учун микрокредитлар Марказий банкнинг амалдаги қайта молиялаш ставкасининг 45 % миқдоридан ставкалар ўрнатилиши мумкин.

Бюджетдан ташқари жамғармалар ҳисобидан берилаётган кредитлар бўйича банк маржаси имтиёзли фоиз ставкасининг 50 фоизи миқдоридан белгиланади. Бунда банк маржаси ўрнатилган имтиёзли фоиз ставкалари миқдорининг ошишига олиб келмайди.

Бюджетдан ташқари жамғармалар ҳисобидан кичик бизнес субъектларига бериладиган кредитлар муддати ҳар бир жамғарманинг Низомидан белгиланган тартибга кўра турлича бўлади. Дехқон ва фермер хўжаликларига қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ташкил этишга бериладиган микрокредитлар 2 йилдан кам бўлмаган муддатга берилади.

Бюджетдан ташқари жамғармаларнинг кредит линиялари ҳисобидан бериладиган бошқа барча микрокредитлар 3 йилгача бўлган муддатга берилади.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Дехқон ва фермер хўжаликларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси ҳисобидан бериладиган кредитлар фақатгина дехқон ва фермер хўжаликлари уюшмасининг аъзоларигагина берилади. Бошқа бюджетдан ташқари жамғармалар ҳисобидан бериладиган кредитлар барча кичик бизнес субъектларига берилиши мумкин. Бозор иқтисодиёти шароитида жисмоний шахсларнинг оила даромадлари турли манбалар ҳисобидан шаклланади. Жумладан, оила аъзоларининг иш ҳақи шаклидаги даромадлари, оилавий тадбиркорликдан олинадиган даромад, ёрдамчи хўжалиқдан олинадиган даромад, давлатнинг ижтимоий ёрдамлари ва бошқа манбалар ҳисобидан олинган даромадлар ҳисобига шаклланади. Оилавий тадбиркорликдан олинадиган даромадларни кўпайтириш, яъни оилавий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш ўта муҳимдир. Республикада бу борада бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Оилавий тадбиркорлик жисмоний шахсларнинг юридик шахс ташкил этмаган ҳолда амалга оширадиган биргаликдаги фаолияти бўлиб, эр–хотин томонидан уларга биргаликдаги умумий мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган умумий мол мулк асосида амалга оширилади. Оилавий тадбиркорлик эр–хотин ва уларга кўмаклашадиган оила аъзоларининг шахсий меҳнатига асосланади. Кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилалар, таркибида ногиронлар, ижтимоий ҳимояга муҳтож шахслар бўлган оилалар микрокредит олишда устунликка эга бўладилар.

Оилавий тадбиркорлик субъектларига бериладиган микрокредитлар миқдори энг кам ойлик иш ҳақининг 150 бараваригача бўлган миқдорини ташкил этади.

Микрокредитлар 2 йилгача муддатга, узайтириш ҳуқуқисиз бериледи, муддатнинг олти ойи имтиёзли давр ҳисобланади. Микрокредитлардан фойдаланганлик учун фоиз миқдори Марказий банкнинг амалдаги қайта молиялаш ставкасининг 1/6 қисмини ташкил этади.

Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида” ҳамда “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги Қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 27 октябрдаги “2004-2006 йилларда фермер хўжаликларни ривожлантириш концепцияси тўғрисида”ги Фармони, Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 7 ноябрдаги 383-сонли “Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни молиялаштириш механизминини такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлари тўғрисида”ги ва 2003 йил 30 октябрдаги “2004-2006 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш концепциясини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 476-сонли Қарорлари асосида Марказий банк ва Молия вазирлиги томонидан “Фермер хўжаликларнинг давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган пахта ва ғалла етиштириш харажатларини тижорат банклари томонидан кредитлаш тартиби тўғрисида”ги 1295-сонли низом 2004 йил 6 январда ишлаб чиқилди.

2004 йил ҳосилидан бошлаб Андижон, Жиззах, Навоий, Самарқанд вилоятларида жойлашган фермер хўжаликларига ва 2005 йил ҳосилидан бошлаб Қорақалпоғистон Республикаси, Қашқадарё, Сурхондарё, Сирдарё ва Тошкент вилоятларида жойлашган фермер хўжаликларига давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини молиялаштириш учун тижорат банклари томонидан кредитлаштириш амалга оширилди.

Фермерлар учун кўпроқ қулайликлар ва имкониятлар яратиш мақсадида имтиёзли кредитларни расмийлаштириш ва ажратиш механизими йилдан-йилга такомиллаштирилиб келинмоқда. Хусусан, “Қишлоқ хўжалиги корхоналарининг давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган пахта ва ғалла етиштириш харажатларини тижорат банклари томонидан кредитлаш тартиби тўғрисида”ги 1675-сонли низом янги таҳрирда 2007 йил 14 апрелда ишлаб чиқилди.

Фермер хўжаликларига кредитлар улар томонидан давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган ғалла ва пахта хом ашёси қийматининг 60 фоизгача (тайёрлов корхонаси томонидан бўнак тариқасида берилган уруғлик қийматини инобатга олган ҳолда) миқдорида берилади.

Кредит миқдори қишлоқ хўжалиги корхонасининг “Ўзпахтасаноат” уюшмаси ва “Ўздонмахсулот” акциядорлик корхоналари билан давлат эҳтиёжлари учун етказиб бериладиган маҳсулот учун тузилган контрактация шартномаларидан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

Кредит миқдорини аниқлаш учун амалдаги харид нархлари асос қилиб олинади. Янги харид нархлари тасдиқлангач, кредит миқдори кредит олувчининг талабига кўра қайта ҳисоблаб чиқилиши мумкин.

Қишлоқ хўжалиги субъектларининг давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган маҳсулотларни етиштириш билан боғлиқ харажатларни қоплашга кредитлар қуйидаги мақсадлар учун берилади:

– иш хақи ва унга тегишли ажратмаларни тўлаш учун;

- менерал ўғит ва ўсимликларни кимёвий ва биологик ҳимоя қилиш воситаларини харид қилиш учун;
- ёқилғи-мойлаш махсулотларини харид қилиш учун;
- МТПлар, муқобил МТПлар ва қишлоқ хўжалик техникаси мавжуд бўлган бошқа хўжалик субъектларининг хизматлари учун тўловларга;
- молиявий лизингга берилган техника воситаларининг лизинг тўловларига;
- СФУлар(сувдан фойдаланувчи уюшмалари) хизматлари учун тўловларга;
- ягона ер солиғи тўловларига тўланади.

Шунингдек, пахта ва ғалла етиштириш билан боғлиқ бўлган хўжаликларнинг зарурий эҳтиёжлари, шу жумладан, суғурта мукофоти учун тўловлар амалга оширилиши мумкин.

Юқоридаги мақсадлар учун бериладиган кредит миқдорини аниқлаш учун Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳамда Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги томонидан агротехкарталардан келиб чиққан ҳолда, ҳар бир қишлоқ хўжалик экини бўйича ҳар бир харажат турининг энг кўп меъёри (қишлоқ хўжалик йилининг тегишли даврлари ёйилмаси билан) ҳар йилги ҳосил учун тасдиқланади. Кредит ушбу меъёрлар доирасида ажратиб борилади.

Фермер хўжалигининг бирон - бир харажат тури бўйича тўловларга эҳтиёжи бўлмаган ҳолларда, мазкур ой учун умумий ажратилган маблағлар фермер хўжаликлари томонидан бошқа рухсат этилган эҳтиёжлар учун (иш ҳақидан ташқари) ўрнатилган йиллик меъёр доирасида ишлатилиши мумкин. Кредитлар тегишли қишлоқ хўжалиги махсулоти бўйича фермер хўжаликлари билан якуний ҳисоб - китоблар якунлангунча, лекин 18 ойдан кўп бўлмаган муддатга, қайтариш муддатини узайтириш ҳуқуқисиз берилади.

Фермер хўжалигини кредитлаш банк маржасини ҳисобга олган ҳолда, имтиёзли фоиз ставкаси билан амалга оширилади. Бу кредитлар бўйича

имтиёзли фоиз ставкаси йиллик 3 % миқдорида белгиланиб, унинг 2 фоизи банк маржасини ташкил этади.

Кредит фермер хўжалигига унинг асосий талаб қилиб олгунча депозит ҳисобрақами очган ва унга хизмат кўрсатаётган банк томонидан берилади. Ушбу кредитларни иккиламчи талаб қилиб олингунча депозит ҳисобрақами очилган банк томонидан берилишига рухсат берилмайди.

Фермер хўжаликлари билан контрактация шартномалари тузилгандан сўнг, тайёрлов ташкилотлари ва фермер хўжаликларига хизмат кўрсатувчи ҳар бир банк филиали бўйича маълумот тайёрлаб, кредитлашни расмийлаштириш учун уларнинг вилоят филиалларига тақдим этилади. Банкларнинг вилоят бошқармалари ўз навбатида бу маълумотларни фермер хўжаликларига хизмат кўрсатувчи банкларга, филиалларга етказди.

Имтиёзли кредитларнинг ўз муддатида қайтишини таъминлаш мақсадида, банк, давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган пахта хом-ашёси ва ғалла етиштиришни молиялаштириш мақсадида фермер хўжаликларига берилган имтиёзли кредитлар қайтарилиши бўйича тадбиркорлик хавфини суғурта қилиши мумкин. “Ўзагросуғурта” компаниясининг имтиёзли кредитларнинг қайтмаслиги хавфини суғурталаш шартномалари бўйича суғурта бадаллари ҳажми олинаётган кредит суммасининг 1,25 фоизи миқдорида бўлиши керак ва тижорат банкларининг ўз маблағлари ҳисобидан тўланади. Бунда тақдим этилаётган кредит миқдори “Ўзагросуғурта” ДАСК билан келишилган суғурта пулидан кўп бўлмаслиги зарур.

Фермер хўжалиги зарурий ҳужжатларни тақдим этгандан сўнг, банк 3 кун муддат ичида аризани кўриб чиқиши ва у билан кредит шартномаси тузиши лозим. Банкнинг кредит қўмитаси томонидан кредит беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинган ҳолларда, у раддияни ёзма шаклда рад жавобини асослаб бериши шарт.

Кредит шартномаси тузилиши билан бир вақтда фермер хўжалигига ссуда ҳисоб рақами очилади. Тўловлар ссуда ҳисобрақамидан, қарз

олувчининг тўлов топшириқномаларига асосан, нақд пулсиз шаклда (иш ҳақидан ташқари) юқорида кўрсатилган мақсадлар учун амалга оширилади ва назорат қилинади. Банк томонидан ҳақиқатда ғалла ва пахта экинларининг мавжудлиги, уларда ниҳолларни парваришlash бўйича зарур агротехника ишларининг ўтказилишини жойларга чиқиб аниқлаш орқали кредит мониторингини олиб борадилар.

Экинлар (тўлиқ ёки қисман) мавжуд бўлмаган ёки улар аҳволининг кониқарсизлиги, жумладан, агротехник тадбирларнинг кечикиши, майдонда бегона ўтларни кўпайиши ҳолатлари аниқланганда, банк туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлимларининг хулосаси асосида кредитлашни тўхтатади ва кредитлар ҳамда уларга ҳисобланган фоизларни муддатидан олдин сўндириш чоралари кўрилади. Бу чоралар кредит шартномасида келишилган бўлиши керак.

Кредитлардан фойдаланганлик учун фоизлар кредитнинг амалдаги қолдиғига ҳар куни ҳисоблаб борилади ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тайёрлов корхоналарига сотишдан тушган маблағлар ҳисобидан;

– ғалла етиштиришни молиялаштиришга ажратилган кредитлар бўйича йилнинг июл ойидан бошлаб ва кредитни тўлиқ қайтариш вақтигача;

– пахта хом-ашёсини етиштиришни молиялаштиришга ажратилган кредитлар бўйича йилнинг – ноябр ойидан бошлаб ва кредитни тўлиқ қайтариш вақтигача ундирилади. Бунда фермер хўжаликлари кредитни ва унга ҳисобланган фоизларни муддатидан олдин қайтаришлари мумкин.

Республикамизда етиштирилаётган пахта ва ғаллага давлат буюртмаларини жорий этилиши, бир томондан уларнинг маҳсулотларига барқарор талабни вужудга келтиришга ёрдам берган бўлса, иккинчидан, ана шу маҳсулотлар қийматининг 50 фоизи миқдорида олдиндан бўнак пули олиш имконияти вужудга келди. Ушбу механизмнинг олдинги услубдан яна бир қулай жиҳати шундаки, давлат эҳтиёжлари учун сотиладиган пахта хом-ашёси ва ғалла етиштириш бўйича тижорат банклари орқали тўғридан-тўғри имтиёзли кредит берилиши – бу фермер хўжаликлари учун эҳтиёж сезилган

харажатларни ўз вақтида молиялаштириш ва маблағларни мустақил равишда тасарруф этиш ҳамда ишлатиш шароитини яратади.

Юқоридаги меъёрий ҳужжатларга асосан қисқа муддатли кредитлаш жараёнини ташкил этиш ва зарурий ҳужжатларни расмийлаштириш, яъни кредит ҳужжатлари тўпламини шакллантириш тартиби қуйидаги босқичларга бўлинади:

- а) кредит олиш учун аризаларни кўриб чиқиш ва бўлғуси қарз олувчи билан суҳбатлашиш;
- б) қарз олувчининг кредитни олиш қобиллигини ва ссудани бериш билан боғлиқ рискни баҳолаш;
- в) кредит фоиз ставкасини белгилаш;
- г) кредит шартномасини тайёрлаш ва имзолаш.

Ушбу босқичлар амалга оширилгандан сўнг, кредит муносабатлари ўрнатилади. Айрим ҳолатларда мижозларнинг кредит тўловига лаёқатлилигини чуқур таҳлил қилинмаслиги натижасида кредит rischi келиб чиқишини инобатга олган ҳолда, бундай ҳолатлар рўй бермаслиги мақсадида мижозлар молиявий аҳволини тўғри баҳолаш лозим.

Тижорат банклари ўз мижозлари фаолияти тўғрисида доимий ахборотга эга бўлиши, уларнинг кредит тўловига лаёқатлилигини, тўлов интизомини таҳлил қилиш ва кредитлардан келиши мумкин бўлган йўқотишларга қарши захиралар вужудга келтирили лозим. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан 1998 йил 9 ноябрда тасдиқланган 242–сонли «Активлар сифатини таҳлили тартиби ва мумкин бўлган йўқотишларга қарши захираларни ишлатиш» тўғрисидаги низомга мувофиқ амалга оширилади. Ушбу Низомда берилган кредитларнинг таснифланиши ва кредит riskини баҳолаш янги тартиби, кутилмаган йўқотишларга қарши захиралар ҳисоблаш, ушбу захираларнинг ишлатилишини бухгалтерия ҳисобида акс эттириш лозим. Банкда захираларни тўғри ва аниқ ташкил қилинганлиги банк томонидан кредитлар таснифи аниқ амалга оширилганлигини кўрсатади.

Кредит бериш жараёнида кредит шартномаси шартларини бажаришга, қарз олувчи олинган кредитдан самарали фойдаланишига, уни ўз вақтида ва тўлиқ қайтаришига, кредитдан фойдаланадиган бутун давр мобайнида қарз олувчи билан яқин алоқани сақлаб туриши керак. Шу мақсадда мижознинг молиявий хўжалик фаолияти, унинг тузилган шартномага мувофиқ маҳсулот етказиб бериш борасидаги ўз мажбуриятларини, ишлаб чиқариш ҳажмларини қандай бажараётгани, беҳуда харажатлар ва йўқотишлар кабилар устидан ҳар чоракда мижознинг кредит қобилиятини ҳисоблаб чиқиб, қарз олувчи бўйича тутилган махсус йиғма жилдда бу маълумотларни йиғиб бориш керак. Банк ҳар чоракда мижознинг кредит қобилиятини таҳлил қилиб, қарз олувчининг йиғма жилдида бу маълумотларни тўплаб бориши ва банкка берилган гаров ҳолатини текшириб туриши лозим.

Захираларни тўғри ташкил қилиниши маълум бир риск критерияларини белгилайди. Ушбу критериялардан кредитнинг тўрт гуруҳдан қайси бирига тегишлилигини аниқлаш мумкин ва албатта бунинг оқибатида маълум бир кутилмаган йўқотишларга қарши захиралар ташкил қилинишини амалга ошириш лозим.

Тижорат банклари амалдаги меъёрий ҳужжатларга мувофиқ кредит портфели сифатини мунтазам равишда таҳлил қилиб бориш, ҳар бир кредит билан боғлиқ риск даражасини синфларга бўлган ҳолда аниқлаши зарур.

Тижорат банклари қарзлар бўйича ташкил этган захираларга маблағлар амалдаги тартибда киритилади. Қарзлар бўйича кутилмаган йўқотишлар учун захира хўжалик органларига берилган кредитлар таҳлили ҳамда банк риск даражасига таъсир кўрсатувчи омилларни белгилаш асосида ташкил қилиш керак. Захираларни белгилаш асосида захира ҳажми амалдаги қарздорлик ёки риск гуруҳига боғлиқ бўлади. Берилган қарз киритилган риск гуруҳи ёмонлашган тақдирда қарзлар бўйича эҳтимол тутилган йўқотишлар учун резервга ажратмалар ҳар ойда ўтказиб борилиши лозимдир. Захиралар кредитлар бўйича қуйидагича гуруҳланади:

Яхши кредитлар. Бу ўз вақтида қайтарилиш имкониятига эга бўлган кредитлар бўлиб, қарз олувчини молиявий таъминоти юқори ҳисобланиб, етарлича ўз маблағларига эга бўлади.

Стандарт кредитларга 30 кундан 60 кунгача бўлган муддати ўтган ссудалар ва тўла таъминланмаган 30 кунгача бўлган муддати ўтган ссудалар киради.

Субстандарт кредитлар. Бу кредитларга яхши таъминланмаган 60 кундан 180 кунгача муддати ўтган кредитлар киради ва 30 кундан 60 кунгача тўла таъминланмаган муддати ўтган кредитлар ва 30 кунгача таъминланмаган муддати ўтган ссудалар киради.

Шубҳали кредитлар. Бу кредитларга яхши таъминланмаган, лекин қарз муддати 180 кундан ўтган ва тўла таъминланмаган қарз муддати 60 кундан 180 кунгача бўлган ва 30-60 кунгача бўлган умуман таъминланмаган ссудалар тегишли бўлади.

Умидсиз кредитлар. Бу кредитлар қарз муддати 180 кундан ўтган ва 60-180 кунгача тўла таъминланмаган муддати ўтган қарзлар киради.

Риск даражасини синфга бўлиб чиққандан кейин синфларга қараб ссудани қайтмаслик эҳтимоли белгиланиб, унинг олдини олиш учун захира ҳосил қилинади. Бу захира мижоз томонидан банк ссудасини қайтарилмаган тақдирда, ўз муддатида қайтарилмаган кредитни қоплаш учун ишлатилади.

Бу жараён ҳар ойда ссудаларнинг белгиланган синфлари бўйича ўрганиб чиқиб, ссуда аҳволи ёмонлашган сари захира ҳам ошириб борилаверади. Умидсиз деб тан олинган ссудалар тўлалигича захиралар ҳисобидан қайтарилади.

Республикамизда кредитларни таснифлаш ва уларга захиралар яратиш шартлари Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгилаб қўйилган. Шу сабабли, тижорат банкларида кредитларни таснифлашда ва захиралар ташкил қилишда ноаниқликлар, чалкашликлар юзага келмайди. Муддати ўтган фоизлар тегишли фоизли даромадлар ҳисобрақами ёки тақсимланмаган фойда ҳисобрақамидаги маблағлар ҳисобидан балансдан

ўчирилади. Фоиз ўстирмаслик мақоми кейинги молиявий йилга тўғри келганда муддати ўтган фоизлар тақсимланмаган фойда ҳисобидан балансдан чиқарилади.

Тижорат банкларининг кредит амалиёти билан боғлиқ қонунлар ва меъёрий ҳужжатларнинг таҳлили, уларни узлуксиз равишда такомиллаштириш зарурлигини кўрсатмоқда. Шу сабабли, тижорат банклари кредит амалиёти билан бевосита боғлиқ бўлган меъёрий ҳужжатларни назарий жиҳатдан чуқур ўрганиш ва амалий маълумотларга асосланган ҳолдаги таҳлиллар асосида тегишли таклифлар бериш мақсадида тижорат банкларининг кредитлаш механизмини кейинги бобда таҳлил қилишни белгилаб олдик.

Хулоса сифатида айтиш жоизки,

биринчидан, республикамизда тижорат банклари кредитлаш механизмининг меъёрий-ҳуқуқий асослари яратилган;

иккинчидан, тижорат банклари кредит сиёсатини мустақил ишлаб чиқади ва амалга оширади, аммо уни ишлаб чиқишга нисбатан қўйиладиган талаблар Марказий банк томонидан белгиланади;

учинчидан, халқаро амалиётда бир миждозга бериладиган кредит бўйича кредит рискинни камайтириш мақсадида синдициялашган кредитлашдан фойдаланилмоқда. Республикамизда эса, синдицияли кредитлаш борасида етарли тажриба мавжуд эмас.

Биринчи боб бўйича хулоса:

– компенсацион қолдиқдан фойдаланиш кредит линияси орқали кредитлашнинг миждоз учун иқтисодий жозибадорлигини оширади;

– тижорат банклари кредитларининг асосий қисми муддатли кредитларга тўғри келади, ўз навбатида, қисқа муддатли кредитлаш шаклларининг қўлланилиш даражаси ривожланган давлатлар банк амалиётида кескин фарқланади;

– кредитларни таснифлаш тартибининг қўлланилиши республикамиз тижорат банклари кредит рискин даражасини аниқ баҳолаш имконини беради,

таснифланган кредитлар бўйича захиралар ташкил этиш кредит риски оқибатлари таъсирини камайтириш имконини беради;

– тижорат банклари кредитлаш механизмининг меъёрий-ҳуқуқий асослари шакллантирилган бўлиб, кредитлашнинг алоҳида ҳуқуқий масалалари Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан тартибга солинади.

2-БОБ. ЎЗБЕКИСТОН ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИНГ КРЕДИТЛАШ МЕХАНИЗМИ

2.1. Ўзбекистонда тижорат банклари кредит қўйилmalarининг таркиби ва динамикаси

Жамиятнинг ривожланиши ҳамда бозор муносабатларининг қарор топиши кўп сонли банклар ва уларнинг хилма-хил молиявий хизматлар кўрсатадиган ташкилотларга айланишига замин яратади. Банклар орқали иқтисодиёт тармоқларини кредитлаш, қимматли қоғозлар ва чет эл валюталарини сотиб олиш ҳамда сотиш операциялари, корхоналарга тегишли мулкларни бошқариш операциялари ва бошқа қатор молиявий операциялар амалга оширилмоқда. Шунга қарамасдан тижорат банклари фаолиятида кредит операцияларининг ўрни алоҳида бўлиб, бирламчи аҳамиятини сақлаб қолди. Айти вақтда, банклар фаолиятида кредитлаш механизмининг ўрни ва аҳамияти кундан – кунга ошиб бормоқда.

Халқаро банк амалиёти ривожланишининг ҳозирги босқичида кредитларнинг ялпи ички маҳсулотга (ЯИМ) нисбатан салмоғининг ўсиб бориш тенденцияси кузатилмоқда. Масалан, Ғарбий Европа мамлакатларида бу кўрсаткичнинг ўртача даражаси 42 фоизни, Японияда 64 фоизни, Россияда 17 фоизни ташкил этган¹⁶.

Банк кредитларининг ЯИМга нисбатан салмоғининг ошиши иқтисодиётнинг кредит ресурсларига бўлган эҳтиёжини қондириш даражасини ошаётганлигидан далолат беради. Бу жараён, пировард натижада, иқтисодий ўсиш учун қулай замин ҳозирлайди.

Тижорат банклари фаолиятида кредит амалиётининг ўрнини таҳлил қилишда уларнинг активлари таркиби муҳим аҳамият касб этади.

Германия, Франция, Япония ва Италиянинг йирик банкларида кредитларнинг брутто активлар ҳажмидаги салмоғи 62 фоиздан 83 фоизгача

¹⁶ Кредитование реального сектора экономики. Материалы круглого стола конференции // Банковское дело. – Москва, 2004.- №5 -С.3.

боради. Италиянинг “Коммерч. Итал.” Банкада ушбу кўрсаткич 62,3 фоизни ташкил қилса, Япониянинг “Дайити Кангё” банкида 83 фоиздан юқоридир¹⁷.

Дунёнинг айрим йирик тижорат банклари активларининг таҳлили кўрсатадики, активлар таркибида кредитлар, салмоғига кўра, биринчи ўринни эгаллайди. Тижорат банклари ялпи даромадининг асосий қисмини кредит операцияларидан олинган даромадлар ташкил этиши жадвал маълумотларидан кўриниб турибди. Бу эса, кредитлаш механизмининг банклар фаолиятидаги ўрни ва аҳамиятининг юқори эканлигидан далолат беради.

Банкларнинг активлари таркибида салмоғига кўра иккинчи ўринни қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар эгаллайди. Бу эса, уларнинг фонд биржаларидаги фаолияти кўламининг кенгаяётганлигидан ҳамда жорий ликвидлиликни юқори ликвидли қимматли қоғозлар ҳисобидан таъминлаётганлигидан далолат беради. Бунинг боиси шундаки, кассали активларнинг жами активлар ҳажмидаги салмоғи кичик бўлиб, юқори ликвидли қимматли қоғозлар банклар ликвидлигини таъминлашнинг асосий воситасига айланиб бормокда.

Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари активларининг таркибида кредитларнинг салмоғини кўриб чиқишни мақсадга мувофиқ, деб ўйлаймиз.

2.1.1 -жадвал

Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари активларининг таркиби ва унда кредитнинг ўрни¹⁸

(фоиз ҳисобида)

Кўрсаткичлар	2007 й.	2008 й.	2009 й.	2010 й.	2011 й.	2012 й.
Кассали активлар	25,3	14,9	20,5	12,9	17,2	19,6
Қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар	0,8	1,0	1,2	1,0	2,2	0,6
Кредитлар	66,9	70,8	68,6	68,8	56,9	50,9
Асосий воситалар	2,5	3,3	3,5	3,1	2,6	2,5
Бошқа активлар	4,5	10,0	6,2	14,2	21,1	26,4
Жами активлар	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0

* маълумотлар молиявий йилларнинг сўнги санасига берилган.

¹⁷ Под ред. О.И.Лаврушина. Банковское дело. - Москва: ФиС, 2000. -С. 95.

¹⁸ Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланди.

2.1.1-жадвал маълумотларидан кўринадикки, 2007–2012 йиллар мобайнида республикаимиз тижорат банклари активларининг таркибида кредитлар салмоғига кўра биринчи ўринни эгаллайди. Бу эса, халқаро банк амалиётида кредитларнинг салмоғи бўйича мавжуд бўлган тенденцияга мос келади. Кредитларнинг жами банк активлари ҳажмидаги салмоғи 50,9 фоизни ташкил этмоқда. Мазкур ҳолат ижобий кўрсаткич ҳисобланмайди. Бу эса банкларнинг кредитлаш механизмини тўғри ташкил этилмаганлигидан далолат беради. Халқаро банк амалиётида қабул қилинган андозаларга мувофиқ, кредитлар тижорат банклари активларининг таркибида камида 60 фоизни ташкил этади. 2012 йилда кредитларнинг жами активлардаги салмоғи 2004 йилга нисбатан 16,0 фоизли пунктга пасайди. Ушбу пасайиш бошқа активлар салмоғининг ўсиши билан изоҳланади.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, республикаимиз тижорат банклари активларининг таркибида кассали активларнинг брутто активлар ҳажмидаги салмоғи ҳам юқори бўлган. Бу салбий ҳолат ҳисобланади. Чунки кассали активлар даромад келтирмайдиган активлар ҳисобланади.

Тижорат банкларида кассали активларнинг йирик миқдорда тўпланиши кредитларнинг брутто активлар ҳажмидаги салмоғининг паст бўлишига сабаб бўлади. Бундан ташқари, муддати ўтган кредитларнинг балансдан чиқарилиши ҳам кредитларнинг брутто активлар ҳажмидаги салмоғини камайтиради. Чунки кредит балансдан чиқарилганда очилган ссуда ҳисобрақами кредитланади, фоизли даромадлар ёки тақсимланмаган фойда ҳисобрақами дебетланади. Республикаимиз банк амалиётида тижорат банки Бошқаруви ва банк Кенгаши келишган ҳолада муддати ўтган кредитларни банкнинг балансидан чиқаришлари мумкин.

Кредитлаш механизмининг тижорат банклари фаолиятида тутган ўрнини баҳолашда кредит қўйилмаларининг ЯИМдаги салмоғини ўрганиш муҳим аҳамият касб этади.

2.1.2-жадвал

Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг кредит қўйилмалари динамикаси¹⁹

(млрд. сўм)

Кўрсаткичлар	2007 й.	2008 й.	2009 й.	2010 й.	2011 й.	2012 й.	2012 йилда 2004 йилга нисбатан ўзгариши, %
ЯИМ млрд. сўм	7450,2	9837,8	12189,5	15210,0	20759,3	22731,4	3,1 марта
Кредит қўйилмалари умумий суммаси, млрд. сўм	2809,5	3138,3	3553,1	3876,0	4095,4	4757,4	1,7 марта
ЯИМга нисбатан фоиз ҳисобида	37,7	31,9	29,1	25,5	19,7	20,9	-16,8 ф.п.

* маълумотлар молиявий йилларнинг сўнгги санасига берилган.

2.1.2-жадвал маълумотларидан кўринадикки, 2007-2012 йиллар мобайнида кредит қўйилмалари мутлақ миқдорининг ўсиш тенденцияси кузатилган. Лекин унинг ЯИМдаги салмоғи мазкур давр мобайнида пасайиш тенденциясига эга бўлган. Бу салбий ҳолат ҳисобланади ва иқтисодий ёни банк кредитлари билан таъминлашда муаммолар мавжудлигидан далолат беради.

Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари томонидан мамлакат иқтисодий ёнига ажратилган кредит қўйилмаларининг ўсиши қисқа муддатли ёки узоқ муддатли кредитлар ўсиши эвазига ўзгаришини таҳлил этиш муҳим аҳамият касб этади. Шу сабабли, тижорат банклари томонидан берилган қисқа ва узоқ муддатли кредитларнинг мавжуд ҳолатини таҳлил қиламиз.

2.1.3-жадвал маълумотларидан кўринадикки, 2007-2012 йилларда республикада банклари томонидан берилган кредитларнинг умумий ҳажмида қисқа ва узоқ муддатли кредитларнинг ўзаро нисбати барқарорлигича қолган. Лекин 2012 йилда қисқа муддатли кредитларнинг кредит қўйилмалари умумий ҳажмидаги салмоғи 2007 йилга нисбатан 2,9 фоизли пунктга ошган.

¹⁹ Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланди.

2.1.3-жадвал

Тижорат банклари томонидан мамлакат иқтисодиётига ажратилган кредитлар динамикаси²⁰

(фоиз ҳисобида)

Кўрсаткичлар	2007 й.	2008 й.	2009 й.	2010 й.	2011 й.	2012 й.	2012 йилда 2007 йилга нисбатан ўзгариши,%
Кредитлар, жами:	100	100	100	100	100	100	х
қисқа муддатли	19	18	18	18	18,8	21,9	2,9 ф.п.
узоқ муддатли	81	82	82	82	81,2	78,1	-2,9 ф.п.

* маълумотлар молиявий йилларнинг сўнгги санасига берилган.

Бу эса, корхоналарнинг айланма маблағларини шаклланишида банк кредитларидан фойдаланишни сезиларли даражада ўсганлигидан далолат беради.

Муддати ўтган кредитлар муаммосининг мавжуд эмаслигини ҳисобга олсак, барқарор нисбатнинг мавжудлиги ижобий ҳолат ҳисобланади. Лекин Ўзбекистон Республикасида муддати ўтган кредитлар муаммоси мавжуд бўлиб, у узоқ муддатли кредитларга тегишлидир. 2012 йилнинг 1 январь ҳолатига, республикаимиз тижорат банклари кредитларининг умумий ҳажмида муддати ўтган кредитларнинг салмоғи 17 фоизни ташкил қилди.

Қуйидаги жадвал маълумотлари орқали республикаимиз тижорат банклари томонидан берилган қисқа муддатли кредитларни банклар кесими бўйича кўриб чиқамиз.

2.1.4-жадвал маълумотларидан кўринадики, республикаимиз тижорат банклари томонидан берилган қисқа муддатли кредитларнинг миқдори 2005-2012 йилларда ўсиш тенденциясига эга бўлди. Бу эса, қисқа муддатли кредитларнинг хўжалик юритувчи субъектлар айланма маблағларини тўлдиришдаги аҳамиятини ошиб бораётганлигидан далолат беради. Ўз навбатида, айланма маблағларни тўлдириш имкониятини ошиши корхоналарда ишлаб чиқариш жараёнининг узлуксизлигини таъминлашга хизмат қилади.

²⁰ Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланди.

2.1.4-жадвал

Тижорат банклари томонида иқтисодиётга ажратилган қисқа муддатли кредитлар динамикаси

(млн. сўмда)

Банклар	2007 й.	2008 й.	2009 й.	2010 й.	2011й.	2012 й	2012 йилда 2007 йилга нисбатан ўзгариши, %
Ўзбекистон бўйича:	420616,9	344737,3	359232,7	418422,3	569170,1	891217,6	211,8
ТИФ Миллий банки	238136	114988	84959,2	78346,5	102955,9	114607,3	-48,1
Ўзсаноатқурилишбанк	35571,1	32414,7	42124,8	57378,9	79883,2	126251,0	354,9
Агро банк	27219,1	39404,2	50197	81192,5	141069,4	185228,2	680,5
Микрокредитбанк	5086,4	7013,9	7182,9	6709,5	10406,1	25654,3	504,3
Кишлоққурилишбанк	37120,9	32530	33135,6	28424,9	25322	35724,4	-96,2
Асакабанк	12675,2	15722,6	14732,5	23513,1	19511	50448,1	390,0
Бошқа банклар	64807,8	102664,3	126900,7	142856,9	190022,5	389028,6	600,2

* маълумотлар молиявий йилларнинг сўнгги санасига берилган.

Шуни таъкидлаш жоизки, Саноатқурилишбанк, Агробанк ва ТИФ Миллий банкининг қисқа муддатли кредитлаш механизмидаги мавқеи юқориликча қолмоқда. 2012 йилнинг 31 декабр ҳолатига берилган қисқа муддатли кредитларнинг 47,8 фоизи мазкур уч банкнинг хиссасига тўғри келди.

2.1.5-жадвал

АТ “Агробанк” кредит қўйилмалари ва банк активларининг ҳолати²¹

Кўрсаткичлар	2007 й.		2008 й.		2009 й.		2010 й.		2011 й.		2012 й.	
	Сумма млрд. сўм	%	Сумма млрд. сўм	%	Сумма млрд. сўм	%	Сумма млрд. сўм	%	Сумма млрд. сўм	%	Сумма млрд. сўм	%
Кредит қўйилмалари	91,1	43,9	122,2	48,8	157,2	59,1	211,6	59,2	338,4	67,2	524,2	71,0
Банк активлари	207,1	100	250,4	100	265,8	100	357,3	100	503,9	100	737,8	100

* маълумотлар молиявий йилларнинг сўнгги санасига берилган.

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, 2007–2012 йиллар мобайнида АТ “Агробанк” кредит қўйилмалари ва активлари ўсиш тенденциясига эга бўлган. Таҳлил қилинган давр мобайнида банк кредитларининг брутто активлар ҳажмидаги салмоғи ўсиш тенденциясига эга

²¹ АТ “Пахтабанк”нинг йиллик ҳисобот маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланди.

бўлган. Бу ижобий ҳолат ҳисобланади ва АТ “Агробанк”нинг кредит бозоридаги мавқеининг мустаҳкамланаётганлигидан далолат беради.

2011–2012 йилларда кредитларнинг банк активларининг умумий ҳажмидаги салмоғи ўсиш тенденциясига эга бўлган. Бу эса, АТ “Агробанк”нинг кредитлаш имкониятининг ошаётганлигидан далолат беради.

2012 йилда кассали активларнинг брутто активлар ҳажмидаги салмоғи 2007 йилга нисбатан юқори суръатда пасайган. Бу эса, банк активларининг даромадлилигини ошириш нуқтаи назаридан ижобий ҳолат ҳисобланади.

2.1.6-жадвал маълумотларидан кўринадики, АТ “Агробанк” кредит портфелида қишлоқ хўжалиги, моддий-техника таъминоти ва саноат тармоқларига берилган кредитлар етакчи ўринни эгаллайди. Моддий-техника таъминоти алоҳида тармоқ ҳисобланса-да, амалда қишлоқ хўжалигининг моддий-техника таъминоти билан боғлиқ.

2.1.6-жадвал

АТ “Агробанк” кредит портфелининг тармоқ хусусияти²²

(фоиз ҳисобида)

№	Тармоқлар	2007 й.	2008 й.	2009 й.	2010 й.	2011 й.	2012 й.
1	Саноат	29,9	37,9	38,9	29,1	23,3	18,2
2	Қишлоқ хўжалиги	24,1	22,1	25,0	31,7	33,8	38,0
3	Моддий-техника таъминоти	16,4	17,0	16,4	18,7	24,5	20,3
4	Савдо	8,0	8,8	8,2	8,0	5,1	4,8
5	Курилиш	1,4	0,9	1,5	1,2	2,2	3,3
6	Транспорт	0,5	0,4	0,3	0,5	0,2	0,3
7	Бошқа тармоқлар	19,7	12,9	9,7	10,8	10,9	15,1
	Жами	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0

* маълумотлар молиявий йилларнинг сўнги санасига берилган.

Шу сабабли, қишлоқ хўжалик корхоналари молиявий ҳолатининг ёмонлашуви моддий-техника таъминоти корхоналарининг молиявий ҳолатига таъсир кўрсатади.

²² АТ “Пахтабанк”нинг йиллик ҳисобот маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланди.

2012 йилда саноат корхоналарига берилган кредитларнинг кредит портфелидаги салмоғи 2011 йилга нисбатан сезиларли даражада пасайди. Ушбу ҳолат қишлоқ хўжалигига берилган кредитлар салмоғининг мазкур давр мобайнида 13,9 фоизли пунктга ўсганлиги билан изоҳланади.

Кредитларнинг аксарият қисми бир - бири билан бевосита боғлиқ бўлган соҳаларга жойлаштирилган. “Агробанк” томонидан бериладиган кредитлар қишлоқ хўжалигига хизмат кўрсатувчи “Қишлоқхўжаликкимё” ХАЖлари, «Ўзпахтасаноат», “Ўзагромашсервис”, “Ўзбек ипаги” уюшмаларига ажратилган.

Бизга маълумки, қишлоқ хўжалиги соҳасида ишлаб чиқариш мавсумий характерга эга бўлиб, об-ҳавони ёмон келиши оқибатида мўлжалланган ҳосил етиштирилмаслиги мумкин. Натижада қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишловчи корхоналар ишлаб чиқариш режаларини бажара олмайдилар. Бу эса, ўз навбатида, ушбу корхоналар томонидан олинган банк кредитларининг қайтмаслик эҳтимолини кучайтиради.

Шуни ҳам эътиборга олиш керакки, маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхона хом-ашё етказиб берувчи корхонага боғланиб қолмаслиги керак. Агар хом-ашё етказиб берувчи корхоналар кам бўлса, маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхонанинг иши секинлашади ва хом-ашё монопол нарҳда сотиб олинади, ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг таннархи қимматга тушиб кетади ва натижада баҳоларнинг ошиши сабабли маҳсулотга талаб камаяди. Бу ҳам корхоналар олган кредитларини қайтарилмаслик рискинни оширади.

Тижорат банклари кредит сиёсатидаги мавжуд қатор камчиликлар, жумладан, кредит портфелини тармоқлар бўйича тақсимлашда кредит лимитларини ўрнатишдаги камчиликлар кредит рискларини ошишига олиб келади. Таҳлил қилинган амалий маълумотлар кредитлаш жараёнида тармоқ лимитларини ўрнатиш жараёнини такомиллаштириш зарурлигини кўрсатади. Банклар тармоқ лимитини аниқлаш масаласига турлича ёндошадилар. Лекин уларнинг амалиётда қўллаётган лимитлари, умумий мазмунига кўра қуйидаги гуруҳларга бўлинади:

1. Тармоқ лимитлари.

2. Битта миждозни кредитлаш лимитлари.

Тижорат банклари ўзларининг кредит портфели сифатини яхшилаш мақсадида миждозларни кредитлашнинг нафақат индивидуал рискларини, балки рискларнинг бир қатор умумий категорияларини ҳам таҳлил қилишлари шарт. Шунинг учун ҳам алоҳида миждозларнинг кредитлаш лимитлари билан бир қаторда, кредит рискига учраш даражаси бир хил бўлган миждозлар гуруҳи учун кредитлаш лимитлари ўрнатилади. Бу лимитлар битта тармоққа мансуб корхоналарга банкни боғлиқ бўлиб қолмаслигининг олдини олиш мақсадида ўрнатилади. Амалиётдан маълумки, айрим тармоққа мансуб корхоналарда рентабеллик даражаси маълум бир вақт оралиғида юқориликча қолади, айнаи вақтда, бошқа тармоққа мансуб корхоналарда рентабеллик даражаси анча паст бўлади. Банк амалиётида бунга кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Масалан, ҳозирги вақтда Ўзбекистон Республикасида қишлоқ хўжалиги, Авиация саноати корхоналарининг рентабеллик даражаси паст. Бундай тармоқ корхоналарида банк кредитларининг юқори даражада тўпланиши банкларга сезиларли зарар келтириши мумкин.

Тармоқ лимитларини белгилашда таҳлил қилинаётган тармоқнинг жорий ҳолатини, ривожланиш истиқболларини, технологик ўзгаришларининг барқарорлик даражасини, тармоқда асосий харажат турларининг ўзгариши каби ҳолатларни баҳолаш зарур.

Тармоқ рискларини баҳолаш усулларини ишлаб чиқишда банклар ссудаларини беришда юзага келадиган, юқорида таъкидланган рискларга таъсир қилувчи омилларни таҳлил қилиш зарур. Бундай таҳлил натижасида ушбу омилларнинг таъсирини ҳисобга олиш учун тегишли тизим қабул қилинади.

Халқаро банк амалиётида бундай тизим сифатида балларни ҳисоблаш тизимидан кенг фойдаланилади. Таъсир қилувчи омилларнинг ҳар бирини алоҳида кўриб чиқиш асосида тармоқ учун рискнинг умумий рейтинги

аниқланади. Тармоқ рискининг лимитини белгиланган ссуда суммасига нисбатан мутлақ суммада ёки маълум фоизда белгилаб қўйиш лозим. Масалан, банк риск лимитини қишлоқ хўжалигига нисбатан белгиланган кредитларнинг 10 фоизи миқдорида белгилаб қўйиш мумкин.

Республикамиз банк амалиётида шунга ўхшаш тизимнинг йўқлиги иқтисодиёт тармоқлари бўйича мутлақ суммада ёки фоизда лимитлар ўрнатилмаслигига олиб келган.

Тармоқ рискни аниқлагандан сўнг банк тармоқ лимитлари асосида кредитлар бериш тўғрисида қарор қабул қилиши мумкин.

Банкнинг битта миждозга нисбатан кредитлаш лимитини аниқлашда қуйидаги омилларни ҳисобга олиши шарт деб ҳисоблаймиз:

- миждоз корхона раҳбарининг репутацияси;
- миждознинг активлари ва пасивларининг таркиби;
- миждознинг молиявий барқарорлиги;
- миждоз корхонанинг ривожланиш истиқболлари;
- банкнинг миждоз билан ўзаро муносабатлари;
- миллий иқтисодиётнинг умумий жорий ҳолати;
- Марказий банкнинг тижорат банкларини кредитлаш механизмига

нисбатан қўйган директив талаблари.

Тижорат банклари битта миждозга нисбатан белгиланадиган кредитлаш лимитларини миждозга кўрсатиладиган хизмат турига боғлиқ равишда белгилашлари ҳам мумкин. Чунки, улар битта миждознинг ўзига бир неча турдаги банк хизматларини кўрсатади. Бунда кредитлаш лимитларини ҳар бир кредит тури бўйича белгилаш мумкин ёки бу лимитларни битта умумий лимит сифатида белгилаш ҳам мумкин. Ҳар бир кредит тури бўйича алоҳида лимит ўрнатилганда лимитларни турли амалиёт бўлинмалари ўртасида қайта тақсимлаш тизими жорий этилади. Бундай тизим банкка айрим амалиёт бўлинмалари кредитлаш лимитларини ишлатиб бўлган тақдирда ҳам кредит амалиётларини давом эттириш имконини беради. Лекин бўлинмалар бўйича лимитнинг умумий миқдори танланмаган. Айтайлик, кредит бўлинмаси

Ўзининг лимитини тўлиқ ишлатиб бўлди, лекин хужжатлаштирилган операциялар бўлими ўзининг лимитини тўлиқ ҳажмда ишлата олмади, дейлик. Бундай ҳолатда лимитнинг қолган қисми ҳисобидан миқдорга берилмаган кредит миқдори кўпайтирилиши мумкин. Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, кредитни қайтарилмаслик rischi доимо мавжуддир, фақат бу riskни камайтириш мумкин. Riskни камайтириш жараёнида барча зарур жараёнларни аниқ бажариш талаб этилади.

Тижорат банклари кредитлаш механизмининг самарадорлигига таъсир килувчи асосий омиллардан яна бири кредитларнинг тури ҳисобланади.

Ҳозирги вақтда республикаимиз банк амалиётида кредитлар турларига кўра икки йирик гуруҳга бўлинади:

- қисқа муддатли кредитлар (бир йилгача муддатга);
- узоқ муддатли кредитлар (бир йилдан ортиқ муддатга).

Республикаимиз банк амалиётида Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2004 йил 17 июлдаги 578-сонли «Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлари режаси» номли йўриқномасига асосан ўрта муддатли кредитлар тоифаси бекор қилинди²³.

Ўрта муддатли кредитлар тоифасини бекор қилинишининг асосий сабаблари қуйидагилардан иборат:

1. Халқаро банк амалиётида кредитларнинг асосан қисқа ва узоқ муддатли турлари тан олинади;

2. Республикаимиз банк тизимида ўрта муддатли кредитларнинг сезиларли қисми бир неча марта пролонгация қилиниши натижасида узоқ муддатли кредитларга айланди ва натижада уларнинг бухгалтерия ҳисобини юритишда ва таҳлил қилишда қийинчиликлар, чалкашликлар юзага келди.

3. Айрим тижорат банкларида қисқа муддатли кредитларни муддатида қайтарилмаслиги, пролонгация қилиниши натижасида уларнинг муддатини

²³ Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлари режаси.-Тошкент: Янги аср авлоди, 2004. -279 б.

бир йилдан ошиб кетиши, яъни ўрта муддатли кредитларга айланиши юз берди.

Аксарият мамлакатларда, жумладан, Фарбий Европанинг кўпгина мамлакатларида кредитлар муддатига кўра уч турга: қисқа, ўрта ва узок муддатли кредитларга бўлинади. Бунда қисқа муддатли кредитлар жумласига бир йил муддатгача бериладиган кредитлар, ўрта муддатли кредитларга бир йилдан беш йилгача ва узок муддатли кредитларга беш йилдан ортик муддатга бериладиган кредитлар киритилади.

Тижорат банклари томонидан берилган қисқа муддатли кредитларнинг узок муддатли кредитларга нисбатан қиёсий таҳлилини амалга ошириш қисқа муддатли кредитлаш механизмининг таҳлилини бойитишга хизмат қилади. Бунинг боиси шундаки, қисқа муддатли кредитлар узок муддатли кредитлардан кредитлаш объекти бўйича кескин фарқ қилади. Бундан ташқари, кредитларнинг муддати бўйича фарқланиши кредитлаш шаклларига ҳам ўз таъсирини ўтказади.

2.1.8-жадвал

АТ “Агробанк” кредитларининг муддати бўйича таркиби ва динамикаси²⁴

(фоиз ҳисобида)

Кўрсаткичлар	2007 й.	2008 й.	2009 й.	2010 й.	2011 й.	2012 й.	2012 йилда 2011 йилга нисбатан ўзгариши,%
Кредитлар, жами:	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	х
• қисқа муддатли	31	28,3	34,6	38	42	35,5	4,5
• узок муддатли	69	71,2	65,4	62	58	64,5	-4,5

* маълумотлар молиявий йилларнинг сўнгги санасига берилган.

2.1.8-жадвал маълумотларидан кўринадикки, АТ “Агробанк”да 2011-2012 йилларда қисқа муддатли кредитларнинг жами кредит қўйилмалари ҳажмидаги салмоғининг ўсиш тенденциясини кузатиш мумкин.

²⁴ АТ “Пахтабанк”нинг йиллик ҳисобот маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланди.

Ушбу тенденциянинг вужудга келиши 2011-2012 йилларда узок муддатли кредитлар салмоғининг пасайиш суръатларига эга бўлганлиги туфайли содир бўлмоқда. Биринчидан, қисқа муддатли кредитлар тез айланиш хусусиятига эга, иккинчидан, республикамиз тижорат банклари депозитларининг аксарият қисмини қисқа муддатли депозитлар ташкил қилади.

Тижорат банклари кредит портфелининг самарадорлик даражасини тавсифловчи муҳим кўрсаткичлардан бири – муддати ўтган кредитларнинг жами кредит қўйилмалари таркибидаги салмоғини ўзгариши ҳисобланади. Халқаро банк амалиётида ушбу кўрсаткичнинг йўл қўйилиши мумкин бўлган мўътадил даражаси 3 фоизни ташкил қилиб, энг юқори чегаравий даражаси эса, 5 фоиздан ошмаслиги лозим. Агар ушбу кўрсаткичнинг даражаси 3 фоиздан ошса, бу ҳолат банкнинг кредит портфели сифат даражасини ёмонлаша бошлаганлигидан далолат беради. Бу эса, ўз навбатида, кредитлардан олинадиган фоизли даромадларнинг камайишига олиб келишини англатади. Ш.Абдуллаева муддати ўтган кредитларнинг жами кредит қўйилмалари ҳажмидаги салмоғининг ошиши – кредит rischi даражасини тавсифловчи муҳим кўрсаткичлардан бири дея ҳисоблайди. Кредитлар бўйича шаклланган захиралар кредит рискларининг амортизатори вазифасини бажарса-да, банкнинг тўлов қобилиятига тўғридан-тўғри хавф солади. Кредитларнинг юқори рисклилиқ даражаси банкнинг ўз маблағлари маълум қисми йўқотилишига олиб келиши мумкин²⁵.

Фикримизча, муддати ўтган кредитлар ва кредит рискига қарши ҳосил қилинган захиралар тўғрисидаги мазкур фикр республикамиз банк амалиётидаги реал воқеликни ўзида мужассам эттирган.

Муддати ўтган ссудаларнинг амалдаги ҳолатини таҳлил қилиш соф кредитлар кўрсаткичидан фойдаланган ҳолда амалга оширилади. Бизга маълумки, соф кредитлар деганда «брутто» кредитларнинг захира ажратмалари суммасига камайтирилган қисми тушунилади. Соф кредитлар

²⁵ Абдуллаева Ш.З. Банк рисклари ва кредитлаш. - Тошкент: Молия, 2002. -Б. 137-138.

ҳақиқатда ҳаракатда бўлган, яъни фоиз келтираётган кредитларнинг миқдорини кўрсатади. Кредитлардан кўрилган зарарларни қоплашга мўлжалланган захира ажратмаларининг миқдори эса, ишламаётган, яъни ҳаракатда бўлмаган кредитлар миқдорини билдиради.

Бугунги кунга келиб, Ўзбекистон Республикасида кредитлар бўйича муддати ўтган қарздорлик даражаси юқори бўлиб, 2010 йил 1 январь ҳолатига кредитлар бўйича муддати ўтган қарздорликнинг умумий ҳажми ЯИМга нисбатан 2,7 фоизга тенг бўлди, банк активларига нисбатан эса 7,9 фоизга тенг бўлди.²⁶ Бундай ҳолат эса, банк тизимининг барқарорлигини таъминлашга, яъни банкнинг ўз мижозлари олдидаги мажбуриятларини ўз вақтида бажаришга, банк кредит ресурсларининг айланишига салбий таъсир кўрсатади.

2.1.10-жадвал маълумотларидан кўринадики, 2007-2012 йиллар мобайнида Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари муддати ўтган кредитларининг кредит қўйилмалари ҳажмидаги салмоғи ўсиш тенденциясига эга бўлди.

2.1.10-жадвал

Тижорат банкларида муддати ўтган кредитлар салмоғини ўзгариш динамикаси

№	Кўрсаткич номи	2007 й.	2008 й.	2009 й.	2010 й.	2011 й.	2012 й.
1.	Кредитлар – жами (млрд.сўм)	2809,5	3138,3	3553,1	3830,1	4095,4	4757,4
2.	Муддати ўтган кредитлар (млрд. сўм)	112,4	275,2	571,2	821,8	658,0	808,7
3.	Муддати ўтган кредитларнинг жами кредитларга нисбатан улуши (%да)	4,0	8,7	16,1	21,5	17,0	17,0

* маълумотлар молиявий йилларнинг сўнгги санасига берилган.

2007-2012 йилларда ҳам бу кўрсаткичнинг даражаси юқори бўлди. Мазкур ҳолатлар республикамизда муддати ўтган кредитлар муаммосининг

²⁶ Давлат статистика қўмитаси ва Марказий банк маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланди.

чуқурлашганлигидан далолат беради ва иқтисодийнинг реал секторини кредитлашга салбий таъсир кўрсатади. Лекин 2012 йилда муддати ўтган кредитлар салмоғи кўрсаткичи 2007 йилга нисбатан пасайиш суръатига эга бўлди. Бу эса, узоқ муддатли инвестицион кредитларнинг қайтарилаётганлиги билан изоҳланади.

Қисқа муддатли кредитларга бўлган талабга таъсир қилувчи омиллардан бири уларнинг фоиз ставкалари ҳисобланади. Фоиз ставкалари кредитларнинг баҳоси ҳисобланиб, уларнинг ўзгариши кредит маблағлари ҳаракатига бевосита таъсир кўрсатади.

Биз, қуйидаги жадвал маълумотлари орқали Тижорат банклари томонидан берилган қисқа муддатли кредитларнинг фоиз ставкалари динамикасини кўриб чиқамиз.

2.1.11-жадвал

Тижорат банклари томонидан берилган кредитларнинг ўртача тортилган фоиз ставкалари²⁷

(фоиз ҳисобида)

Кўрсаткичлар	2007 й.	2008 й.	2009 й.	2010 й.	2011 й.	2012 й.	2012 йилда 2011 йилга нисбатан ўзгариши,%
• қисқа муддатли кредитларнинг ўртача тортилган йиллик фоиз ставкаси	32,2	28,1	21,2	18,8	19,4	18,5	13,7 ф.п.
• узоқ муддатли кредитларнинг ўртача тортилган йиллик фоиз ставкаси	16,3	24,5	17,6	14,9	16,4	15,5	0,8 ф. п.

* маълумотлар молиявий йилларнинг сўнги санасига берилган.

Жадвал маълумотларидан кўринадикки, 2007 йилларда банклар томонидан берилган қисқа муддатли кредитларнинг ўртача тортилган фоиз ставкаси 32,2 фоиз даражасида бўлган. Фоиз ставкалари юқори бўлишининг сабабларидан бири – Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкаси юқори бўлганлиги билан изоҳланади.

²⁷ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва тижорат банклари ҳисобот маълумотлари масосида муаллиф томонидан ҳисобланди.

2007 йилда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қайта молиялаш ставкасининг йиллик даражаси 30,0 фоизни ташкил қилган бўлса, 2012 йилга келиб 14,0 фоизни ташкил қилди.

Банклар томонидан берилган қисқа муддатли кредитларнинг фоиз ставкаларини 2007 йилдан бошлаб 2012 йилга қадар кескин пасайиш тенденциясига эга бўлганлиги қуйидаги омиллар билан изоҳланади:

1. Марказий банкни қайта молиялаш ставкасининг 2005-2012 йилларда пасайиш тенденциясига эга бўлганлиги (Марказий банкни қайта молиялаш ставкаси 2005 йилда 24,0 %, 2006 йилда 18,0 %, 2007 йилда 16,0 %, 2006 – 2012 йилларда 14,0 %ни ташкил қилди);

2. Инфляция даражасининг пасайиш суръатларига эга бўлганлиги. Ўзбекистон Республикасида 2007 йилда инфляциянинг йиллик даражаси 21,6 %га тенг бўлган бўлса, 2012 йилда эса 6,8 %ни ташкил қилди.

Қисқа муддатли кредитларнинг фоиз ставкалари пасайиш тенденциясига эга эканлиги уларга бўлан талабнинг доимий равишда ошиб боришига сабаб бўлади. Бунинг натижасида хўжалик юритувчи субъектларнинг қисқа муддатли банк кредитига бўлган эҳтиёжини тўлароқ қондириш имконияти юзага келади.

Хулоса ўрнида айтиш жоизки:

биринчидан, республикамиз тижорат банкларининг кредитлари миқдор жиҳатдан 2007-2012 йилларда юқори ўсиш суръатига эга бўлган бўлсада, кредитларнинг активлар ва ЯИМга нисбатан салмоғини пасайиш суръати кузатилди;

иккинчидан, 2007-2012 йилларда Агробанк кредитларининг жами активлардаги салмоғининг ошганлиги унинг кредитлаш салоҳиятининг ошиб бораётганлидан далолат беради;

тўртинчидан, республикамизнинг йирик тижорат банкларида тармоқ лимитларининг мавжуд эмаслиги кредит портфели диверсификация даражасининг паст бўлишига олиб келмоқда.

2.2. Тижорат банклари мижозларининг кредит тўловига лаёқатлилигини баҳолаш амалиётининг таҳлили

Бозор иқтисодиёти шароитида хўжалик субъектларининг, жумладан, банклар фаолиятининг тижоратлашуви объектив ҳолат ҳисобланади. Сўнгги йилларда турли хил мулкчилик шаклларига асосланган субъектлар ташкил топмоқда. Бу субъектлар қандай мулк шаклига асосланган бўлишига қарамасдан иқтисодий ва ҳуқуқий жиҳатдан тўлиқ мустақил бўлиб, ўз ҳаражатларини ўзи қоплашлари шарт. Бозор шароитида иқтисодий жиҳатдан мустақил бўлган хўжалик субъектларида қўшимча пул маблағларига эҳтиёж юзага келиши муқаррар бўлиб, ушбу эҳтиёж асосан банк кредитлари ҳисобидан қопланади. Шу сабабли бозор иқтисодиёти шароитида кредитлаш механизмининг ўрни тобора муҳим аҳамият касб этади.

Банклар томонидан кредитлаш жараёнини самарали ташкил қилишда мижозни кредит тўловига лаёқатлилигининг таҳлили ва уни баҳолаш муҳим ўрин тутади. Берилган кредитларнинг ўз вақтида қайтиб келишини хоҳлайдиган ҳар қандай банк, биринчи навбатда, мижознинг кредит аризаси ва унинг кредит тарихини мукаммал ўрганиб чиқиши лозим. Бу жараён банк рискинни олдини олишнинг илк босқичи ҳисобланади.

Кредит тўловига лаёқатлилиқ, кредит беришда эътиборга олинадиган асосий мезонлардан бири ҳисобланади. Чунки тижорат банкининг ўз фаолияти натижаси учун жавобгарлиги ҳар қандай усуллар орқали кредит рискинни камайтиришни талаб этади. Кредит учун фоиз банкнинг асосий даромад манбаи бўлиб ҳисобланади.

Корхонанинг кредит тўловига лаёқатлилиги тижорат банкига кредит бериш мумкинлиги, кредитнинг миқдори ҳамда фоиз ставкаси даражасини белгилаш имконини беради. Бундан ташқари, кредит тўловига лаёқатлилиқни аниқлаш ссудани ўз вақтида қайтариш эҳтимолини ва натижада банк рискинни камайтириш имконини беради.

Кредит тўловига лаёқатлилиқ жиҳатидан ижобий кўрсаткичларга эга

бўлган корхоналар ҳеч қандай тўсиқларсиз кредит олишлари ва кредит ҳисобидан товар-моддий бойликларни сотиб олишлари, салмоқли маблағларни ишлаб чиқаришни ривожлантиришга йўналтиришлари мумкин. Кредит тўловига лаёқатлилик бўйича салбий кўрсаткичга эга бўлган субъектлар банкдан кредит ола олмасда, ўз молиявий аҳволини яхшилаш, ишлаб чиқариш ва сотув ҳажмини, ўз маблағлари миқдорини, рентабеллилик кўрсаткичларини ошириш бўйича чоралар ишлаб чиқиш лозимлиги тўғрисидаги ахборотга эга бўладилар.

Корхона ва банклар учун кредит тўловига лаёқатлилик кўрсаткичларининг аҳамияти муҳимлигини ҳисобга олиб, биз, кредит тўловига лаёқатлилик кўрсаткичларининг иқтисодий моҳиятини ойдинлаштиришни мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз.

Кўпгина муаллифлар томонидан иқтисодий адабиётларда кредитга лаёқатлилик тушунчаси кенг ёритилган бўлсада, ҳозирги давргача улар ўртасида яқдиллик, ягона бир фикр мавжуд эмас. Бу борада В.М Янишевская “кредит тўловига лаёқатлилик – бу банк томонидан миқдорга кредит ажратиш мумкинлиги ва унинг мақсадга мувофиқлиги нуқтаи назаридан миқдорнинг кредит ва унинг фоизларини келажакда ўз вақтида қайтара олиш имконияти”²⁸ деган таърифни келтиради. А.Д.Шеремет эса миқдорнинг кредит тўловига лаёқатлилик тушунчасига “миқдорнинг барча мажбуриятларини ўз вақтида ва тўла қайтара олиш қобилияти”²⁹ деган таърифни беради. Бу эса кредит тўловига лаёқатлилик ҳамда тўловга лаёқатлилик тушунчалари айнан бир маънони англатади деган хулосага олиб келади.

О.И.Лаврушин “банк миқдорининг кредит тўловига лаёқатлилиги – бу унинг ўз вақтида қарз мажбуриятлари билан ҳисоб-китоб қила олиш қобилияти”³⁰ деган фикрни билдиради.

Хулоса қилиб айтганда, барча муаллифлар томонидан корхоналарнинг

²⁸ Янишевская В.М. Анализ платежеспособности предприятий и организаций: Практическое руководство для государственных и иных предприятий. - Москва, 1991. - С. 5-6.

²⁹ Шеремет А.Д., Сайфулин Р.С., Негашев ЕВ. Методика финансового анализа предприятия. - Москва: Юни-Глоб, 1992. - С. 34-36.

³⁰ Лаврушин О.И. Анализ экономической деятельности клиентов банка. -Москва: Инфара-М, 1996. -С. 55-56.

кредит тўловига лаёқатлилиги – бу қарз мажбуриятларини ўз вақтида ва тўлиқ бажара олиш имконияти сифатида таъриф берилади. Фикримизча, бу таъриф кўпроқ корхонанинг тўловга лаёқатлилигига тегишлидай. Амалиётда кредит тўловига лаёқатлилик – “Бу миждознинг банкдан олган кредитлари, яъни миждозни фақатгина банк олдидаги қарзларини тўлиқ ва ўз вақтида тўлай олиш имконияти”³¹ни ифода қилади.

Кредит тўловига лаёқатлилик кўрсаткичларини икки томонлама кўриб чиқиш мумкин:

– қарз олувчи нуқтаи назаридан, кредит тўловига лаёқатлилик даражаси кредит шартномасини тузиш имконияти, олинган кредитларни ўз вақтида қайтара олиш қобилияти билан баҳоланади;

– банк нуқтаи назаридан, корхонага берилиши лозим бўлган кредитнинг ҳажмини тўғри аниқлай олиш масъулияти сифатида кўриб чиқиш лозим.

Айрим иқтисодчилар қарз олувчининг кредит тўловига лаёқатлилик ҳолатини баҳолашда биринчи ўринга корхонанинг даромад олиш имкониятини қўйишади. Даромад олиш бу корхонанинг ишлаб чиқариши ёки бошқа фаолият турининг натижаси ҳисобланиб, фикримизча, шу натижага эришиш мақсадигина корхонани кредит олишга ундайди.

Агар қарзларни тўлаш нуқтаи назаридан қарайдиган бўлсак кредит тўловига лаёқатлиликка нисбатан тўловга лаёқатлилик тушунчаси кенгроқдир. Чунки тўловга лаёқатлиликка жисмоний ва ҳуқуқий шахсларнинг барча қарз мажбуриятларини ўз вақтида тўлай олиш имкониятини ифодалайди. Кредит тўловига лаёқатлилик эса тўловга лаёқатлиликдан фарқли ўлароқ, фақатгина ссуда бўйича қарз ва фоизларни ўз вақтида тўлаш имкониятини ифодалайди. Ундан ташқари кредит тўловига лаёқатлилик тўловга лаёқатлиликдан тўлаш манбалари билан ҳам фарқ қилади.

Банк кредитини тўлаш бўйича муаммолар юзага келганда, уни тўлашнинг қуйидаги манбаларидан фойдаланилади:

³¹ Муаллифнинг изланишлари асосидаги ҳулосаси.

- ссуда бўйича гаров сифатида олинган мулк;
- давлат, банк ва бошқа компанияларнинг кафолатлари;
- учинчи шахс кафиллиги;
- суғурта полислари ва бошқалар.

Юқоридагилардан шуни хулоса қилиб айтиш мумкинки, кредитлаш талабларига тўғри риоя қилган ҳолда кредит берган банк, корхона тўлов қобилиятини қисман йўқотган ҳолда ҳам берган кредитни, тўлиқ бўлмасада қайтиб олиш имкониятига эга бўлиши мумкин.

Ўзининг барча ижобий аҳамиятларига қарамасдан бу кўрсаткичлар баъзи ҳолларда чегараланган аҳамиятга эга бўлиши ҳам мумкин.

Биринчидан, кўпгина кўрсаткичлар, шу жумладан молиявий аҳволни, капиталнинг етарлилиги ва бошқаларни ҳарактерловчи кўрсаткичлар, асосан ўтмиш билан боғлиқ бўлиб, улар ўтган давр кўрсаткичлари асосида ҳисобланади. Мижознинг келажакдаги кредит тўловига лаёқатлилигини режалаштириш эса келажакда ссудаларни қайтарилиш имкониятларига баҳо беради. Иккинчидан, одатда бундай кўрсаткичлар ҳисобот муддатига қолган қолдиқ асосида ҳисобланади, ваҳоланки, маълум даврдаги оборотлар ҳақидаги маълумотлар ссудаларни қайтариш имкониятларини тўлароқ тасвирлайди.

Жаҳон банклари амалиётида мижознинг кредит тўловига лаёқатлилигини аниқлашда турли хил баҳолаш тизимларидан фойдаланилади. Масалан, АҚШда потенциал қарз олувчининг кредит тўловига лаёқатлилигини аниқлаш учун ва ўз навбатида кредит рискинни минималлаштириш учун 5 “С”лар қондаси номли усулдан фойдаланилади. Бу усул асосида мижоз фаолиятини баҳолашнинг қуйидаги мезонлари ётади:

- Customer character – мижознинг репутацияси.
- Capacity to pay – тўлов қобилияти.
- Capital – капитал.
- Collateral – ссуданинг таъминланганлиги.
- Current business conditions and gooclnill – иқтисодий конъюнктура ва

унинг истиқболлари.

Бу усул бўйича мижознинг обрўси, масъулият даражаси, қарзни тўлашга бўлган истаги ва тайёргарлиги текширилади. Даставвал банк мижознинг ўтмишда ўз мажбуриятларига қандай муносабатда бўлганлиги, кредитланувчи субъектнинг мамлакат иқтисодиётида, бозорда қандай мавқеига эга эканлигини текширади. Бунда банк қарздор билан суҳбат олиб боради, архивдан мижоз тўғрисида материалларни олиб, таҳлил қилади, бошқа фирма ва банклар билан маслаҳатлашади ва ҳ.к.

Қарздорнинг тўлов қобилияти унинг молиявий имкониятлари, кредитни тўлаш қобилияти, қарздорнинг фойда ва зарарлари ҳамда келажакда бўлиши мумкин бўлган ўзгаришларни пухта таҳлил қилиш орқали аниқланади. Унда банк қарзни тўлаш бўйича мижоз маблағларининг уч асосий манбасини чуқур ўрганиб чиқади. Булар:

- жорий касса тушумлари (cash flow);
- активларни сотиш;
- молиялаштиришнинг бошқа манбалари (жумладан, пул бозоридаги қарзлар).

5“С” қоидасидан фойдаланишда фирмаларнинг акционер капитали ва унинг тузилиши, актив ва пасивларнинг бошқа моддаларига бўлган нисбати, қарзнинг таъминланишига, унинг етарлилик даражаси, сифати ва қарзни тўламаслик ҳолида гаровни сотиш даражаси каби қўшимча кўрсаткичлар ҳам банкнинг эътиборидан четда қолмайди.

Кредитга бўлган талабнома қараб чиқилишида умумий шарт-шароитлар, жумладан; давлатдаги ишбилармонлик иқлимини аниқловчи ва банк билан биргаликда қарздорнинг ҳолатига таъсир этувчи омиллар, иқтисодий ҳолат аҳволи, монанд товар бўйича бошқа ишлаб чиқарувчилар томонидан рақобатнинг мавжудлиги, солиқлар, хом-ашё баҳолари ва ҳ.к.лар ҳам эътиборга олинади.

Ривожланган хорижий давлатларнинг банк амалиётида, жумладан, АҚШ банк амалиётида мижозларнинг кредит тўловига лаёқатлилигини баҳолашда

таниқли иқтисодчи олим Э.Рид томонидан ишлаб чиқилган молиявий кўрсаткичлар усули ҳам кенг кўламда қўлланилади.

Э.Рид томонидан ишлаб чиқилган молиявий кўрсаткичлар усули ўз ичига қуйидаги тўрт гуруҳни олади:

- ликвидлилик кўрсаткичлари;
- айланиш кўрсаткичлари;
- маблағларни жалб қилиш кўрсаткичлари;
- фойдалилик кўрсаткичлари³².

Мазкур кўрсаткичлардан тўлиқ фойдаланиш келгусидаги тўловларни ўз вақтида амалга оширилишини, мижознинг ликвидлигини, айланма маблағларининг реал айланишини прогноз қилиш имконини беради. Шунингдек, ушбу усул компанияларнинг умумий молиявий ҳолати ва барқарорлигини баҳолаш имконини ҳам беради. Ушбу молиявий кўрсаткичлар усули қатъий ставкадаги тўловларни қоплашни таъминлашга етадиган фойда суммасини аниқлаш имконини бериши билан ҳам банклар учун жуда зарурдир. Аини вақтда, мазкур усулнинг айрим камчиликлари мавжуд бўлиб, фикримизча, улардан асосийлари қуйидагилардан иборат:

- бозор барқарорлиги кўрсаткичларини ҳисобга олишнинг иложи йўқлиги;
- мижознинг узоқ муддатли даврий оралиқларда тўловга қобиллиги заиф тарзда ҳисобга олинган.

Ривожланган хорижий давлатларнинг банк амалиётида мижозларнинг кредит тўловига лаёқатлилигини баҳолашда Э.Риднинг методикаси билан бир вақтда Ж.Шим, Ж.Сигел, Б.Нидлз, Г.Андерсон, Д.Колдвел каби олимлар томонидан ишлаб чиқилган молиявий кўрсаткичлардан ҳам кенг фойдаланилади. Мазкур кўрсаткичлар қуйидаги кўрсаткичларни:

- ликвидлиликни тавсифловчи кўрсаткичлар;
- фойдалиликни тавсифловчи кўрсаткичлар;
- узоқ муддатли тўловга қобилликни тавсифловчи кўрсаткичлар;

³² Рид Э., Коттер Р., Гилл Э., Смит Р. Коммерческие банки. Пер. с англ. - Москва: Прогресс, 1983. - С. 252.

– бозор мезонларига асосланган кўрсаткичларни³³ ўз ичига олади.

Юқоридаги олимлар томонидан таклиф қилинган молиявий кўрсаткичлар усулининг Э.Рид томонидан ишлаб чиқилган молиявий кўрсаткичлар усулидан фарқ қилувчи афзал жиҳати, бизнинг назаримизда, бозор мезонларига асосланган кўрсаткичларнинг мавжудлигидадир. Бозор мезонларига эса, қуйидагиларни киритиш мумкин: акциялар баҳоларининг даромадларга нисбати; дивидендларнинг миқдори ва бозор риски.

Бозор мезонларига асосланган кўрсаткичлар ёрдамида акцияларнинг жорий биржа курсини даромадларга бўлиш йўли билан битта акцияга тўғри келадиган даромад миқдори, акция эгаларининг жорий фойдаси, корхоналар акциялари баҳоларининг ўзгарувчанлиги аниқланади.

Россия Федерациясининг банк амалиётида мижозларнинг кредит тўловига лаёқатлилигини баҳолашда кўплаб молиявий кўрсаткичлар тизимидан фойдаланилади³⁴.

Мазкур молиявий кўрсаткичлар тизими ўз ичига беш гуруҳга мансуб бўлган ва бир-бирини тўлдирувчи кўрсаткичларни олади. Биз бу тизимнинг айрим кўрсаткичларини мамлакатимиз банк амалиётига ҳам тадбиқ этишни мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз. Жумладан:

Ликвидлилик кўрсаткичлари

$$\text{ЖЛК} = \frac{\text{Жорий активлар}}{\text{Жорий пассивлар}}$$

Бу ерда:

ЖЛК – жорий ликвидлилик кўрсаткичи коэффициенти

Ушбу кўрсаткичнинг норматив даражаси Халқаро таъмирлаш ва тараққиёт банки экспертларининг тавсиясига кўра 1,25-2,0 ни ташкил этади. Унинг минимал даражаси 1,0 дан паст бўлмаслиги керак. Агар мижознинг қарз мажбуриятлари суммаси унинг жорий активларининг суммасидан катта бўлса, бу мижоз кредит тўловига қобилиятсиз ҳисобланади.

³³ Шим Дж., Сигел Дж., Нидлз Б., Андерсон Г. Финансовый менеджмент. - Москва: Филинь, 1996.-С. 94-118.

³⁴ Лаврушин О.И. Банковское дело. 2-ое изд. - Москва: ФиС, 2000. -С. 224-231.

$$\text{ТЛК} = \frac{\text{Ликвидли активлар}}{\text{Жорий пассивлар}}$$

Бу ерда:

ТЛК – тезкор ликвидлилик коэффициенти

Ушбу кўрсаткичнинг даражасини баҳолаш учун унинг миқдори шу тармоқнинг ўртача тезкорлик коэффициенти билан таққосланади. Агар корхонанинг ТЛК даражаси ўртача тармоқ кўрсаткичига тенг ёки ундан юқори бўлса, бу ҳолат ижобий баҳоланади.

Айланиш коэффициентлари

$$\text{ЗАК} = \frac{\text{Захираларнинг ўртача қолдиғи}}{\text{Бир кунлик сотишдан олинган тушум}}$$

Бу ерда:

ЗАК – захираларнинг айланиш коэффициенти

Ушбу айланиш коэффициенти кунларда ўлчанади ва айланишнинг кунларда олинган тезлигини билдиради.

$$\text{ЗАК} = \frac{\text{Бир кунлик сотишдан олинган тушум}}{\text{Захираларнинг ўртача қолдиғи}}$$

Ушбу айланиш кўрсаткичи таҳлил қилинган даврдаги айланишлар сонини билдиради.

$$\text{ДҚАК} = \frac{\text{Дебитор қарздорликнинг ўртача қолдиғи}}{\text{Бир кунлик сотишдан олинган тушум}}$$

Бу ерда:

ДҚАК–дебитор қарздорликнинг айланиш коэффициенти.

Бу кўрсаткич кунларда ҳисобга олинади.

$$\text{АКАК} = \frac{\text{Маҳсулотларни сотишдан олинган тушум}}{\text{Асосий капитални ўртача қолдиқ қиймати}}$$

Бу ерда: **АКАК**–асосий капитални айланиш коэффициенти

$$\text{ААК} = \frac{\text{Махсулатларни сотишдан олинган тушум}}{\text{Активларнинг ўртача қиймати}}$$

Бу ерда: ААК – активларни айланиш коэффициентлари

Молиявий левераж кўрсаткичлари

$$\text{МЛК} = \frac{\text{Қарз мажбуриятларининг жами суммаси}}{\text{Брутто активлар суммаси}}$$

Бу ерда:

МЛК – молиявий левераж коэффициентлари.

$$\text{МЛК} = \frac{\text{Қарз мажбуриятларининг жами суммаси}}{\text{Мижознинг ўз капитали}}$$

Ушбу кўрсаткичнинг норматив даражаси Халқаро таъмирлаш ва тараққиёт банки экспертларининг тавсиясига кўра 0,25–0,60 ни ташкил этади.

$$\text{МЛК} = \frac{\text{Қарз мажбуриятларининг жами суммаси}}{\text{Мижознинг акционерлик капитали}}$$

Ушбу кўрсаткичнинг норматив даражаси Халқаро таъмирлаш ва тараққиёт банки экспертларининг тавсиясига кўра 0,66–2,00 ни ташкил этади.

Фойдалилик кўрсаткичлари

$$\text{ФМК} = \frac{\text{Ялпи фойда}}{\text{Махсулотларни сотишдан олинган тушум}}$$

Бу ерда:

ФМК – фойданинг меъёрий кўрсаткичи

$$\text{ФМК} = \frac{\text{Соф операцион фойда}}{\text{Махсулотларни сотишдан олинган тушум}}$$

$$\text{ФМК} = \frac{\text{Соф фойда}}{\text{Махсулотларни сотишдан олинган тушум}}$$

Қарзни тўлаш кўрсаткичи

$$\text{ФҚК} = \frac{\text{Таҳлил қилинган давр мобайнида олинган фойда}}{\text{Давр мобайнидаги фоиз тўловлари}}$$

Бу ерда:

ФҚК – фоизларни қоплаш кўрсаткичи

Ушбу кўрсаткичнинг норматив даражаси Халқаро таъмирлаш ва тараққиёт банки экспертларининг тавсиясига кўра 02,0 – 7,0ни ташкил этади.

$$\text{ФТҚК} = \frac{\text{Таҳлил қилинган давр мобайнида олинган фойда}}{\text{Фоизлар} + \text{Лизинг тўловлари} + \text{Дивидентлар} + \text{Бошқа белгиланган ставкадаги тўловлар}}$$

Бу ерда:

ФТҚК – фоизли тўловларни қоплаш кўрсаткичи

Агар фоизлар ва лизинг тўловлари маҳсулот таннархига киритилса, дивидентлар ва бошқа белгиланган ставкадаги тўловлар эса, фойда ҳисобидан тўланса ва молиявий фаолиятнинг натижаси сифатида баланс фойда олинса, у ҳолда ФТҚКнинг суръатида қуйидаги кўрсаткичлар бўлади:

Баланс фойда + Фоизли тўловлар + Лизинг тўловлари

Ривожланган давлатларнинг банк амалиётида мижозларнинг кредит тўловига лаёқатлилигини баҳолашда молиявий кўрсаткичлар усулидан ташқари пул оқимини баҳолаш усулидан ҳам кенг кўламда фойдаланилмоқда.

Мижознинг пул оқимини баҳолашда икки хил усулдан фойдаланилади:

- бевосита усул;
- билвосита усул.

Бевосита усулда мижознинг пул оқими миқдори мижоз фаолияти йўналиши бўйича кирим ва чиқимнинг жорий санадаги ҳолатини таққослаш йўли билан аниқланади.

Билвосита усулда эса, дастлабки бўғин фойда ҳисобланади. Шунинг учун олинган фойдани пул маблағлари миқдорининг ўзгариши билан боғлаш

имконияти юзага келади. Бевосита усулда эса, дастлабки бўғин тушум хисобланади ва олинган фойдани пул маблағлари миқдорининг ўзгариши билан боғлаш имконияти юзага келмайди.

Халқаро банк амалиётида умумий пул оқими кўрсаткичи орқали миждоз пул оқимининг ҳолати баҳоланади. Ушбу кўрсаткич қуйидагича аниқланади:

$$\text{Умумий пул оқими кўрсаткичи} = \frac{\text{Пул оқимининг умумий суммаси}}{\text{Қарз мажбуриятлари}}$$

Умумий пул оқими кўрсаткичига кўра миждознинг кредит тўловига лаёқатлилиги қуйидаги шкала орқали баҳоланади:

Пул оқимининг мажбуриятларга нисбати бўйича кредит тўловига лаёқатлилиқ қуйидагича баҳоланади: 1-синф (0,75); 2-синф (0,30); 3-синф (0,25); 4-синф (0,20); 5-синф (0,20); 6-синф (0,15).

Умумий пул оқими кўрсаткичининг 0,30 дан 0,75 гача бўлган даражасига эга бўлган миждозлар банк кредитларидан фойдаланиш учун эркин шароитга эга. 0,25 дан бошлаб миждознинг кредит тўловига лаёқатлилиқ даражаси пасаяди.

Миждознинг пул оқимини таҳлил қилиш корхонани бошқаришнинг заиф жиҳатлари хусусида хулосалар қилиш имконини беради. Миждозга узок муддатли кредит бериш учун унинг пул оқимига доир камида уч йиллик маълумотларни ҳамда пул оқимининг прогноз кўрсаткичларини таҳлил қилиш талаб этилади.

Миждознинг пул оқимини таҳлил қилиш янги кредитлар бериш чегарасини аниқлаш имконини беради.

Хулоса қилиб айтганда, ривожланган хорижий давлатларнинг банк амалиётида миждозларнинг кредит тўловига лаёқатлилигини баҳолашда асосан молиявий кўрсаткичлар усулидан ва миждознинг пул оқимини баҳолаш усулидан кенг фойдаланилади ва ушбу усуллар миждознинг кредит тўловига

лаёқатлилиги тўғрисида аниқ ва ишончли хулосаларни шакллантириш имконини беради.

Бизга маълумки, республикамиз банк амалиётида кредитларни муддатида қайтмаслигининг асосий сабабларидан бири банклардаги мижозларнинг тўловга қобиллигини таҳлил қилиш тизимини ривожланмаганлигидир.

Тижорат банклари томонидан бериладиган кредитлар таъминланганлигига кўра икки йирик гуруҳга бўлинади: таъминланган ва таъминланмаган кредитлар. Таъминланмаган кредитлар тўловга қобиллик даражаси юқори бўлган мижозларга берилади.

Мижозни кредит аризасини баҳолаш – бу мижознинг кредит тўловига лаёқатлилигини ва унинг ўз молиявий мажбуриятларини бажариш эҳтимолини таҳлил қилишдир.

Мижознинг кредит тўловига лаёқатлилигини баҳолаш мураккаб жараён бўлиб, у кредит бўлими ходимлари томонидан йирик аналитик ишни амалга оширишни талаб қилади.

Кредитни бериш жараёнида ва берилган кредитни назорат қилиш жараёнида корхонанинг бухгалтерия ҳисоботини доимий асосда таҳлил қилиб бориш муҳим аҳамиятга эгадир. Шунинг учун банклар бутун кредитлаш даври мобайнида бухгалтерия ҳисобини доимий асосида такдим этишни мижозлардан талаб қилишлари зарур. Афсуски, республикамиз банк амалиётида кредит берилгандан сўнг мижознинг бухгалтерия балансидаги ўзгаришларни доимий равишда таҳлил қилмаслик ҳоллари мавжуддир.

Корхона фаолиятининг асосий кўрсаткичларидан бири – бу унинг кредит юзасидан тўловларни ўз вақтида ва тўлиқ қайтара олиш қобилиятидир.

Биз қуйида корхоналарнинг кредит тўловига лаёқатлилигини аниқ мисолларда баҳолаймиз.

Баланс маълумотлари таҳлили кўрсатдики, “А” корхона ўзининг соф айланма капиталига эга эмас. Буни биз қуйидагича ҳисоблаймиз:

Соф айланма капитал = ЖА - ҚММ

Бу ерда:

ЖА – жорий активлар

ҚММ – қисқа муддатли мажбуриятлар.

Жорий активлар ўз ичига захира ва харажатларни ҳамда тез пулга айланадиган активларни олади. Агар таққослайдиган бўлсак, мазкур корхонанинг қисқа муддатли мажбуриятлари унинг жорий активларига нисбатан 350 минг сўмга кўп (6190-2950-2890).

Шу сабабли, “А” корхонани ноликвид деб ҳисоблашимиз мумкин.

Шуниси характерлики, айрим корхоналарда товарларнинг сотилмай қолган захиралари суммасини маълум даврий ораликларда сезиларли даражада кўпайиши юз беради. Бунинг натижасида қоплаш кўрсаткичининг даражаси ошади. Агар бундай ҳолатда тижорат банкининг ходими миждонинг молиявий ва мулкый ҳолатини баҳолашда етарли билим ва малакага эга бўлмаса, у ҳолда ноликвид захиралар ҳисобидан қоплаш кўрсаткичининг даражасини ошганлигини баҳолай олмайди. Бунинг оқибатида ҳақиқатда кредитга лаёқатсиз бўлган корхонага кредит берилади.

Энди биз иккинчи бир корхонанинг баланс ҳисоботини таҳлил қиламиз. Бу корхонани ҳам тижорат сири нуқтаи–назаридан ўз номи билан атамасдан, “Б” корхона деб оламиз.

Таҳлил шуни кўрсатадики, “Б” корхонаси 950 минг сўм миқдорида соф айланма капиталга эга (2080-1130). Лекин ушбу корхонанинг ликвидлилик даражасини ҳисоблаб чиқишимиз керак. Корхонанинг ликвидлигини баҳолашда унинг тўла қоплаш кўрсаткичини (ТҚК) ҳисоблаш зарур.

Ушбу кўрсаткични аниқлаш учун корхонанинг жорий активлари суммаси унинг қисқа муддатли мажбуриятларига бўлинади:

$$\text{ТҚК} = \frac{\text{Жорий активлар}}{\text{Қисқа муддатли мажбуриятлар}} = 1$$

Тўла қоплаш кўрсаткичи 1 дан кам бўлмаслиги лозим. Акс ҳолда корхона кредит тўловига лаёқатсиз ҳисобланади.

Ушбу кўрсаткич ликвидлиликни умумий тарзда баҳолайди. Унда қисқа муддатли мажбуриятларни ликвидли активлар билан қопланиш даражаси баҳоланади. Назарий томондан қараганда, ликвидли активлар мажбуриятлардан 2–2,5 баробар кўп бўлиши керак.

$$\text{ТҚК} = \frac{1500 + 580}{1130} = 1,84$$

“Б” корхонасида тўла қоплаш кўрсаткичининг амалдаги даражаси 1,84 фоизни ташкил этди. Бу эса, ижобий ҳолат сифатида баҳоланади. Агар бу кўрсаткичининг даражаси бирдан кичик бўлса, у ҳолда, корхона қисқа муддатли мажбуриятларини жорий активлари ҳисобидан бажариш қобилиятини йўқотган ҳисобланади. Амалиётда 3:1 нисбат ҳам учраб туради. Буни биз жуда юқори ликвидлилик кўрсаткичи деб ҳисобга оламиз, лекин бу нарса жорий активлардан самарасиз фойдаланилаётганлик оқибати бўлиши ҳам мумкин.

Шу нарсани таъкидлаб ўтишимиз керакки, ликвидлиликнинг жуда пастлиги ёки жуда юқорилиги, корхонани молиявий бошқариш тизимида сезиларли камчиликларнинг мавжудлигини кўрсатади. Корхонанинг ликвидлилик даражасини янада аниқроқ баҳолаш мақсадида унинг ликвидлилик коэффицентини ҳисоблаб чиқишимиз керак. Ликвидлилик кўрсаткичинини ҳисоблаш икки хил усулда амалга оширилади.

Биринчи усулда аниқланадиган ликвидлилик мутлақ ликвидлилик кўрсаткичи (МЛК) дейилади ва у қуйидагича ҳисобланади:

$$\text{МЛК} = (\text{ПМ} + \text{ҚММҚ}) / \text{ҚММ}$$

Бу ерда:

ПМ—пул маблағлари;

ҚММҚ—қисқа муддатли молиявий қўйилмалар;

ҚММ—қисқа муддатли мажбуриятлар.

Ушбу кўрсаткичнинг минимал даражаси 0,25 ни ташкил этиши лозим.

Жорий мажбуриятларни муддатида бажарилишини янада умумийроқ кўриниши умумий ликвидлилик кўрсаткичи (УЛК) орқали аниқланади:

$$\text{УЛК} = (\text{ЖА-ЗХ}) / \text{ҚММ}$$

Бу ерда:

ЖА–жорий активлар;

ЗХ–захира ва харажатлар;

ҚММ–қисқа муддатли мажбуриятлар.

Умумий ликвидлилик кўрсаткичи қанчалик юқори бўлса, қарздорнинг кредит тўловига лаёқатлилиги шунча юқори бўлади.

Ушбу кўрсаткич 0,5 дан кам бўлмаслиги лозим, аммо айрим адабиётларда бу кўрсаткичнинг оқилона даражаси сифатида 0,7–0,8 олинган.

“Б” корхонасида умумий ликвидлилик кўрсаткичи 1,32 ни ташкил этди.

Бундан ташқари, корхоналарнинг кредит тўловига лаёқатлилигини баҳолашда мухторлик кўрсаткичидан ҳам республикамиз банкларининг амалиётида кенг қўлланилмоқда.

Мухторлик кўрсаткичи (МК) қуйидагича ҳисобланади:

$$\text{МК} = \text{КЎМ} \times 100\% / \text{БПҚ}$$

Бу ерда:

КЎМ–корхонанинг ўз маблағлари;

БПҚ–балансининг пассив қисми.

Корхонанинг ўз маблағлари билан таъминланганлиги 30 фоиздан кам бўлмаслиги керак. Агар бу кўрсаткич 60 фоиздан юқори бўлса, кредит риси минимал даражада деб ҳисобланади.

Биз таҳлил қилаётган «Б» корхонасида:

$$\text{МК} = \frac{5750 \times 100\%}{6880} = 83,5 \%$$

Юқорида кўриб чиққан кўрсаткичларимиз республикамиз банк амалиётида мижозларнинг кредит тўловига лаёқатлилигини баҳолашда кенг

қўлланилаётган кўрсаткичлардир. Уларга таянган ҳолда миждознинг кредит қобилияти қайси синфга тегишлилигини билиш мумкин.

2.2.1-жадвал

Миждознинг кредит тўловига лаёқатлилиқ синфлари

№	Номи	1 синф	2 синф	3 синф
1.	Тўла қоплаш кўрсаткичи	2 гача	2 дан 1 гача	1 дан 0,5 гача
2.	Ликвидлилиқ кўрсаткичи	1,5 гача	1,5 дан 1 гача	1 гача
3.	Мухторлик кўрсаткичи	60 % гача	60 % дан 30% гача	30 % гача

“Б” корхонанинг кредит тўловига лаёқатлилиқини ушбу кўрсатилган кўрсаткичларга солиштириб кўрадиган бўлсақ, у ҳолда, бу корхона иккинчи синфга тегишли эканлиги маълум бўлади. Лекин “Б” корхонага кредит беришда нималар талаб қилиниши мумкин.

Биринчи синфга тегишли бўлган миждозлар учун имтиёзли кредитлар берилиши мумкин. Уларга берилаётган кредит учун қўшимча таъминотлар талаб қилинмасдан, балки ишончли кредит берилиши керак бўлади.

Иккинчи синфга тегишли бўлган миждозлар учун умумий шароитларни ҳисобга олган ҳолда имтиёзли кредитлар берилиши мумкин, фақат ишончли кредитлардан ташқари. Агар бу миждоз иккинчи синфга тегишли бўла туриб, лекин иш фаолиятида салбий нуқсонларга эга бўлса, у ҳолда бундай миждозлар билан шартнома тузишда қўшимча чора-тадбирлар қўлланиши керак. Мисол учун, улар устидан назоратни кучайтириш, кредитни қайтарилиши учун қўшимча гаров ёки қафолат хати талаб қилиш, фоиз ставкасини кўтариш, берилаётган кредит миқдорини камайтириш каби ҳолатларни ҳисобга олиш зарур.

Учинчи синфга тегишли бўлган миждозлар кредит қобилиятига эга эмас, деб ҳисобланади, уларга фақатгина юқори ташкилотнинг қафолат хатини ҳисобга олган ҳолда ёки фоиз ставкасини юқори белгилаб, мол – мулкини гаровга олиб кредит бериш мумкин.

Ажратилган кредитлар мол-мулкни гаровга олиш асосида берилган кредит шартномаси тўғри тузилиб, ҳеч қандай нуқсонларга эга эмас, кредит берилган фоиз ставкаси имтиёзли қилиб белгиланганлиги аниқланди.

Агар миждозга асосий воситалар ёки айланма маблағлар сотиб олиш учун пул маблағлари зарур бўлса, лекин маълум бир муддат ўтгунга қадар олинган кредит бўйича ҳисоблашиш имкониятига эга бўлмаса, у ҳолда миждоз банкнинг муддатли кредитидан фойдаланади.

Хулоса қилиб айтганда:

биринчидан, республикамиз банк амалиётида миждозларнинг кредит тўловига лаёқатлилигини баҳолашда молиявий кўрсаткичлар тизимидан тўлиқ фойдаланилмаяпти. Бу эса, кредит портфелини бошқариш самарадорлигига салбий таъсир қилади;

иккинчидан, айланиш коэффициентларининг амалдаги даражасини баҳолаш учун ўртача тармоқ кўрсаткичлари зарур;

учинчидан, ликвидлилик коэффициенти даражасининг юқори бўлиши корхона активларидан фойдаланиш самарадорлигининг паст даражадалиги оқибати бўлиши ҳам мумкин.

3-БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИНГ КРЕДИТЛАШ МЕХАНИЗМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

3.1. Ўзбекистон тижорат банкларининг қисқа муддатли кредитлаш механизмини такомиллаштириш йўллари

Бозор иқтисодиёти шароитида тижорат банкларининг қисқа муддатли кредитлаш механизмини такомиллаштириш хўжалик юритувчи субъектларнинг айланма маблағларни тўлдириш имкониятини ошириш, монетизация коэффицентининг даражасини оширишга хизмат қилади.

Тадқиқотнинг олдинги бобларида амалга оширилган таҳлил натижалари республикада тижорат банкларининг қисқа муддатли кредитлаш механизмини такомиллаштириш борасида қатор муаммоларнинг мавжудлигини кўрсатди.

Ана шундай муаммолардан бири – республикада қатор тижорат банкларида кредитларнинг активлар ҳажмидаги салмоғини нобарқарорлиги ва нисбатан паст даражадалиги ҳисобланади.

Кредитларнинг банк активларининг умумий ҳажмидаги салмоғини 60 фоиздан кам бўлмаган даражаси таъминланган шароитдагина тижорат банки жами фоизли даромадларининг асосий қисмини кредитлардан олинган фоизлар ҳисобидан таъминлаш имкони юзага келади. Бу эса, тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини таъминлашнинг зарурий шартларидан бири ҳисобланади. Бунга эришиш учун тижорат банкларининг даромад келтирмайдиган активлари – мажбурий захира ажратмалари суммаси, “Ностро” вакиллик ҳисобварақларининг қолдиғи, асосий воситалар миқдорини камайтириш тақозо этилади.

Шу билан бир бирга, республикада қатор тижорат банкларида кредит портфелини диверсификациялаш талабига риоя этилмаётганлиги муаммоси мавжуддир. Таҳлил натижалари шуни кўрсатдики, республикада қатор тижорат банкларидан бири АТ “Агробанк”да кредит портфелини диверсификациялаш талабига риоя этилмаган.

Кредитларнинг асосий қисмини ўзаро боғлиқ тармоқларга мансуб бўлган корхоналарда тўпланишига йўл қўйилган. Ўзсаноатқурилишбанкида ҳам шундай ҳолатни кузатиш мумкин. Банк кредит қўйилмаларининг 60 фоизга яқин қисми саноат корхоналарида тўпланган. Бу эса, кредит rischi муаммосининг чуқурлашишига олиб келади. Бунинг боиси шундаки, банк кредитларининг асосий қисми жойлаштирилган тармоқда фойда нормасининг пасайиши муддати ўтган кредитлар ҳажмининг кескин ўсишига олиб келади.

Тижорат банкларининг кредит сиёсатида кредитлар иқтисодиёт тармоқлари бўйича, ҳудудлар бўйича ва муддати бўйича чегараланмаган.

Халқаро банк амалиётида эса, банк кредитларининг 25 фоиздан ортиқ қисмини битта тармоқда тўпланиши кредит riskини кескин оширган омил сифатида эътироф этилади. Шу сабабли, республикамиз банклари кредитларининг 25 фоиздан ортиқ қисмини битта тармоққа мансуб бўлган корхоналарда тўпланишига йўл қўймаслик мақсадга мувофиқдир.

Фикримизча, кредит портфелининг диверсификация даражасини тавсифловчи асосий мезон сифатида кредитларнинг тармоқ хусусиятига кўра жойлашишининг 25 фоизлик максимал даражасини қўллаш ва кредит лимитларини ўрнатиш лозим.

Шу сабабли кредит сиёсатида қуйидагиларни ҳисобга олиш зарурдир:

– кредит бериш жараёнида хориж тажрибасидан келиб чиққан ҳолда тармоқ лимитларини ўрнатиш керак;

– кредит турларини кўраётганда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари яъни пахта ва ғалла учун бериладиган кредитни кўрсатиш лозим. Чунки булар кредит қўйилмалари ҳажмида салмоқли ўринни эгаллайди.

Кредитлаш жараёнларида тижорат банки кредит қўмиталарининг, айрим ҳолларда, ўз ваколати ва вазифасига совуққонлик ва маъсулиятсизлик билан қараш ҳоллари юз бермоқда. Бу омил тижорат банклари кредит бериш механизмининг асосий боғловчи ва муҳим элементидир. Бошқачароқ қилиб айтганда, айнан кредит қўмитаси кредит бериш жараёнида ҳал қилувчи

ролни бажаради. Ўзбекистон Республикаси пул-кредит комиссиясининг 1995 йил 10 июлдаги 1210-76-сонли мажлис баённомасига асосан, республика Марказий банки томонидан тайёрланган “Кредит қўмитаси тўғрисида”ги низом талабларини ҳозирда тижорат банклари кредит қўмиталари томонидан амалда фақатгина расмиятчилик юзасидангина бажариш ҳоллари ҳамон учраб турмоқда.

Мазкур Низом талабига кўра, кредит қўмиталари унга кредит ноziри томонидан тақдим этилган кредит йиғма жилдидаги ҳужжатларни тўла таҳлил этгачгина қарор қабул қилишлари, қарор қабул қилганда ҳам юз фоиз овоз берилгандагина кредит бериш учун қарор қабул қилиниши белгилаб қўйилган. Афсуски, айрим тижорат банкларида кредит қўмитаси мажлислари ўтказилмай, расмиятчилик учун тузилган баённомаларга имзо қўйиш ҳоллари ҳамда қўмита аъзолари юз фоиз овоз бермаган ҳолларда ҳам кредит бериш юзасидан қарорлар қабул қилиш ҳоллари ҳамон учрамоқда. Айнан шундай ҳолатлар ҳам муаммоли кредитлар миқдорини янада ошишига олиб келмоқда. Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, охириги йилларда республика тижорат банклари кредит қўйилмалари таркибида муддати ўтган кредитлар салмоғи ошиб бормоқда. Масалан, 2010 йилда муддат ўтган кредитларнинг брутто кредитлардаги салмоғи 17,0 фоизни ташкил этган. Бу жуда юқори кўрсаткич ҳисобланиб, банк тизими ривожига салбий таъсир кўрсатади.

Кредитлаш механизмига тижорат банклари ходимларининг кредит олувчи хўжалик субъектлари молиявий ҳисоботини тўғри ва ҳаққоний таҳлил этиш учун малака ва тажрибасининг етишмаслиги ҳам таъсир кўрсатади. Бу шубҳасиз, муаммоли кредитларни ва кредит маблағларини ўз вақтида унмаслик ҳолатини вужудга келтирувчи бош омиллардан биридир. Чунки хўжалик субъектлари билан амалий ишлаш тажрибасига эга бўлмаган банк ходими томонидан тайёрланган кредит йиғма жилди доимо қўшимча назоратни талаб этади. Лекин банкларда хизмат турларининг кўплиги ва энг асосийси, хўжалик субъектлари билан ишлашда амалий тажрибаси бўлмаган ходимларга мураббийлик қилувчи устоз ходимларнинг етишмаслиги

натижасида малака ва тажрибасиз ходимлар хулосаси асосида молиявий аҳволи ночор бўлган корхоналарга кредит бериш ҳолатлари юзага келмоқда. Чунки, хўжалик субъектлари билан ишлашда малака ва тажрибаси бўлмаган ходимлар кредит олувчининг ҳисоботларини таҳлил этишда кўпроқ компютерга жойлаштирилган дастурлардан фойдаланадилар. Бу эса, уларнинг ўз малакаларини оширишдан манфаатдорлигига путур етказди.

Мижозлар томонидан кўпинча ўзларининг кредит тўловига лаёқатлилиқ даражасини юқори қилиб кўрсатиш мақсадида ҳисоботлардаги кўрсаткичларни асоссиз ўзгартириб тақдим этиш ҳоллари ҳам учрамоқда. Компютер банк ходимлари ишини анча енгиллаштирди. Лекин компютер инсон меҳнатининг маҳсули эканлигини унутмаслигимиз керак. Чунки компютердаги дастурлардан онгли равишда фойдаланилган тақдирдагина иш унумли бўлади.

Банк ходимлари корхонанинг баланс ҳисоботлари тўғри тузилганлигини аниқлаганларидан сўнггина компютер дастуридан фойдаланишлари зарур. Лекин банк ходимлари баланс ҳисоботларидаги кўрсаткичларнинг ҳаққонийлигини, актив ва пасив қисмдаги қийматларнинг ўзаро боғланиш асосларини текширмай туриб, компютер дастурлари орқали корхонанинг тўлов қобилятини, кредит тўловига лаёқатлилигини аниқлайдилар. Натижада, корхона томонидан кўрсаткичлари ҳаққоний бўлмаган ҳисоботларнинг тақдим этилиши миждозларни кредит тўловига лаёқатлилиқнинг асоссиз равишда биринчи ёки иккинчи синф тоифасига киритилишига олиб келмоқда. Банк ходими эса, компютер дастурида аниқланган натижалар асосида кредит қўмитасига ижобий хулоса беради. Кредит қўмитаси ҳам банк кредит нозирининг мазкур хулосасига таянган ҳолда кредит бериш юзасидан ижобий қарор қабул қилади. Натижада, банк кредити аслида молиявий аҳволи қониқарсиз ёки ночор бўлган хўжалик субъектига «ишонч» асосида ёки ноликвид таъминот асосида берилади. Демак, берилаётган кредит миждозга расмийлаштирилаётган давридаёқ муаммоли кредит мазмунига эга бўлади.

Кредитлаш механизмини ривожланишига таъсир қилувчи яна бир сабаб, тижорат банклари кредит бўлинмалари ходимлари ўртасида хизмат вазибалари тақсимотини тўғри ташкил этилмаганлигидир. Банк муассасалари банклараро рақобатда нафақат ўз ўрнини сақлаб қолиш, балки етакчи банклар қаторидан жой олиш мақсадида, шунингдек, мижозларга деярли кун бўйи уларга хизмат қилиш тартибини жорий этмоқдалар. Натижада, кун бўйи мижоз топшириғи билан банд бўлган кредит бўлинмаси ходимларини мижозларнинг хўжалик – молиявий фаолиятини таҳлил этиш билан шуғулланишга вақт ажратиши қийин кечмоқда. Бу эса, банк учун мижознинг хўжалик – молиявий фаолиятида юз бераётган иқтисодий жараёнлар ҳақида тасаввурга эга бўлмаслик ҳолатини келтириб чиқармоқда. Банкнинг мижозни хўжалик – молиявий фаолиятида юз бераётган иқтисодий жараёнлар ҳақида тасаввурга эга бўлмай туриб, банк кредити ҳисобига ишлаб чиқарган ёки ишлаб чиқармоқчи бўлган маҳсулотига талаб даражасини ўрганиб чиқмасдан, маҳсулотни ишлаб чиқариш қувватини таҳлил этмай туриб кредит бериши, албатта, муаммоли кредитлар вужудга келишининг асосий сабабларидан бири ҳисобланади.

Тадқиқотнинг олдинги бобларида амалга оширилган таҳлил натижалари шуни кўрсатдики, республикамизнинг тижорат банкларида мижозларнинг кредит тўловига лаёқатлилигини баҳолашда асосан 5-6 молиявий кўрсаткичдан фойдаланилмоқда. Фикримизча, бу етарли эмас ва мазкур кўрсаткичлар мижозларнинг кредит тўловига лаёқатлилигини баҳолаш тўғрисида тўлиқ хулосаларни шакллантириш имконини бермайди.

Юқоридагиларни ҳисобга олиб, республикамиз тижорат банкларининг фаолиятида, мижозларнинг кредит тўловига лаёқатлилигини баҳолашда, биз тақлиф этаётган молиявий кўрсаткичлар тизимидан тўлиқ фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Ана шундагина корхоналарнинг кредит тўловига лаёқатлилиги хусусидаги тўғри ва тўлиқ хулосаларни шакллантириш мумкин бўлади. Бундан ташқари, мазкур кўрсаткичлар ҳар қандай тармоққа мансуб бўлган корхоналарнинг фаолиятига хос бўлган хусусиятларни, уларнинг

кредит тўловига лаёқатлилигини баҳолашда, ҳисобга олиш имконини беради. Масалан, савдо ташкилотларининг кредит тўловига лаёқатлилигини баҳолашда мухторлик кўрсаткичини қўллаш мақсадга мувофиқ эмас. Чунки савдо корхоналарининг кўпчилигида капиталнинг пассивлар ҳажмидаги салмоғи жуда кичик. Лекин бу ҳолат мазкур савдо корхоналарини тўловга лаёқатсиз эканлигини билдирмайди, балки савдо корхоналари фаолиятининг ўзига хос хусусиятларидан бири ҳисобланади. Шу сабабли, савдо ташкилотларининг кредит тўловига лаёқатлилигини баҳолашда айланиш кўрсаткичларидан фойдаланиш яхши самара беради. Бунда, асосан, дебитор қарздорликнинг айланиш кўрсаткичи ва товар захираларининг айланиш кўрсаткичидан фойдаланилади.

Бундан ташқари, ривожланган хорижий давлатларнинг банк амалиётида мижозларнинг кредит тўловига лаёқатлилигини баҳолашда уларнинг пул оқимини баҳолаш усулидан кенг қўламда фойдаланилади. Бунинг сабаби шундаки, мазкур мамлакатларда молия бозорлари яхши ривожланган, барқарор иқтисодий ўсиш ва макроиқтисодий барқарорлик таъминланган. Бундай шароитда молиявий жиҳатдан барқарор бўлган корхоналарда пул оқими ҳам барқарор бўлади. Кредит эса, пул оқими ҳисобидан қайтарилади. Шунинг учун ҳам, мазкур мамлакатларнинг банк амалиётида гаров таъминоти асосида кредитлаш механизми ривожланмаган.

Кўпчилик ривожланаётган мамлакатларда молия бозорлари ривожланмаган, макроиқтисодий барқарорликка эришилмаган. Бу омиллар, пировард натижада, корхоналар пул оқимининг заифлиги ва нобарқарорлигига олиб келади. Бундай шароитда молиявий коэффициентлар асосида корхоналарнинг кредит тўловига лаёқатлилигини баҳолаш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Банк амалиётимизда ҳам мижознинг молиявий ҳолатини таҳлил қилишда пул оқимини албатта таҳлил қилиш керак. Бу эса, мижозни кредит тўловига лаёқатлилигини ўрганишда тўлиқроқ баҳо бериш имконини беради.

3.3. Қисқа муддатли кредитлаш шаклларида комплекс фойдаланиш

Хўжалик субъектларини кредитлаш жараёнини ташкил этишда мижознинг бизнес режасини тўғри тузилиши ва унинг таҳлили ҳам муҳим аҳамиятга эгадир. Ҳозирги вақтда мижозлар томонидан тақдим этилаётган бизнес режаларни банклар томонидан етарли даражада таҳлил этилмаётганлиги ҳамда кредит шартномаларини тузишда маълум камчиликларга йўл қўйиш ҳоллари юз бермоқда. Банклар учун кредитни расмийлаштириш жараёнида ҳам, кредит маблағидан фойдаланиш жараёнида ҳам асосий эътиборни қарздор томонидан тузилган бизнес режани таҳлил қилиш ва таҳлилни давом эттиришга қаратишлари зарур. Лекин бизнес режаларга кредитор томонидан ҳам, қарз оловчи томонидан ҳам кредит амалиёти учун талаб этиладиган расмий бир ҳужжатдек ёндошилади. Ҳолбуки, айнан бизнес режа мижознинг кредит маблағларидан фойдаланиш стратегиясини белгилаб берувчи муҳим бир ҳужжатдир. Лекин банкларда бизнес режалар кредитни расмийлаштириш давридагина ўрганиб чиқилади. Ўрганилганда ҳам бизнес режадаги охириги натижанинг ижобий эканлиги, яъни мазкур фаолият натижасида олинadиган фойда қисмигина банкларни қизиқтиради. Ваҳоланки, кредит олишни мақсад қилиб олган мижоз албатта фаолият натижасида олинadиган фойда миқдорини шундай даражага етказиб ҳисоблайдики, натижада, банк учун қарздор томонидан кредитни қайтариш хавфи йўқдай туюлади. Шунинг учун ҳам бизнес режалар мижозлар томонидан деярли бир бирига ўхшаш ҳолатда тузилмоқда.

Муаммоли кредитлар тарихи таҳлил этилганда, аксарият ҳолларда бизнес режаларнинг расмиятчилик учунгина тузилганлигининг гувоҳи бўламиз. Ҳолбуки, банклар томонидан мижознинг кредит маблағидан фойдаланиш жараёнини ўз ичига олган бизнес режаси асосида хўжалик фаолиятини доимо таҳлил этиб борилиши кредитларни ўз вақтида ва тўлиқ қайтаришнинг гаровидир. Расмиятчилик учун тузилаётган бизнес режаларни таҳлил этиш жараёнида уларнинг қай даржада иқтисодий саводсизлик оқибатида тузилганлигининг гувоҳи бўламиз. Масалан, баъзи бизнес

режаларда кредит маблағига аҳоли учун зарур бўлган газлама маҳсулотини сотиб олишлари ва аҳоли эҳтиёжлари учун савдо қилишлари ҳақидаги ҳисоб-китобларни келтириб ўтадилар. Ҳисоб-китобларга кўра, кредит маблағининг айланма маблағ сифатида айланиш даражаси, масалан, кредит 12 ойга берилган бўлса, айланиш 60 кун, яъни, бир йилда олти маротаба айланишини асослаб берадилар. Ҳолбуки, бозор иқтисодиётида талаб ва таклифнинг мутасил ўзгариб туриши ҳеч кимга сир эмас. Масалан, бозорда бугун шойи матога талаб бўлса, бир ойдан сўнг умуман пахтадан бўлган газлама маҳсулотларига талаб бўлиши мумкин. Савдода айнан бир турдаги маҳсулотларга йил давомида бир хилда талаб бўлиши ва унинг савдосидан бир хил меъёردа даромад олиниши мумкин эмас. Шунингдек, ишлаб чиқариш жараёнига доир бизнес режаларда ҳам ҳеч бир иқтисодий асосларсиз ҳисоб-китоблар келтирилади. Масалан, кредит маблағларидан фойдаланиш муддати уч йил белгиланган бўлса, бир турдаги маҳсулотни ишлаб чиқариш харажатлари таркибини бир йил учун ҳисоблаб, кейин уни уч йилга кўпайтириб асослайдилар. Ваҳоланки, харажатлар таркиби йилдан-йилга ўзгариб бориши, айнан бир турдаги маҳсулотга бўлган талабни ўзгариб бориши ҳеч кимга сир эмас. Худди шундай бизнес режага асосан кредит олган мижознинг кредитни қайтара олмай қолиш ҳолатлари ҳамон учрамоқда.

Банкнинг корхоналар билан шерикчилик тартибини ўрнатиш ва улар ўртасида шартнома муносабатларини такомиллаштириш ҳам ўзининг ижобий натижасини беради, деган умиддамиз.

Банк-мижоз кредит муносабатларни тартибга солувчи шартномаларнинг ҳуқуқий ва иқтисодий жиҳатдан етарли даражада асосланмаганлиги кредит портфелини бошқариш самарадорлигини ошириш борасидаги асосий муаммолардан бири ҳисобланади.

Банк ва мижоз ўртасида тузилаётган кредит шартномаларини ҳуқуқий ва иқтисодий жиҳатдан тўғри расмилаштирилмаслиги ва мижозларнинг ўз ҳуқуқларини яхши билмасликлари натижасида томонлардан бирининг,

масалан, кичик бизнес, деҳқон-фермер ва хусусий тадбиркорлар ҳуқуқи поймол этилган ҳолатлар акс этган шартномалар ҳам учрамоқда.

Банк-мижоз кредит муносабатларини тартибга солувчи меъёрий ҳужжатлар ва кредитлаш қоидаларида тижорат банклари томонидан кредитдан фойдаланишнинг бутун муддати давомида доимий мониторингни амалга ошириб борилиши, яъни қарздорнинг молиявий хўжалик фаолияти унинг тузилган шартномалар (бюртмалар)га мувофиқ, маҳсулот етказиб бериш мажбуриятларини бажариши, ишлаб чиқариш ҳажмлари, ноишлаб чиқариш харажатлари ва йўқотишлар, муомала чиқимлари, фойда, ўз айланма маблағларининг мавжудлик динамикаси, товар-моддий захираларининг аҳволи, айланма маблағларнинг айланиши бизнес режа кўрсаткичлари билан таққосланган ҳолда таҳлил этиб борилиши белгиланган бўлсада, банклар томонидан бу талаблар деярли бажарилмай, муаммоли кредитлар юзага келиш хавфининг олдини олиш имкониятига салбий таъсир этмоқда.

Ҳозирги вақтда гаров муносабатлари ҳам кредитлаш жараёнидаги асосий муаммолардан бири сифатида ўз ечимини кутмоқда. Гаров муносабатлари Ўзбекистон Республикасининг “Гаров тўғрисида”ги қонуни ва Фуқаролик кодекси нормалари (264-289 модда) билан тартибга солинади.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодекси 271 моддасига мувофиқ гаров шартномаси давлат рўйхатидан ўтказилиши шарт, чунки бусиз у ҳақиқий ҳисобланмайди³⁵.

Гаров шартномаси Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 267-271 моддаларига мувофиқ, қуйидаги шартларга эга:

- гаров предмети ва унинг молиявий баҳоси;
- кредит шартномасида белгиланган мажбуриятнинг муддати;
- ҳажми;
- мазмуни;
- гаровнинг жойлашиш манзили ва бошқалар.

³⁵ Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси. – Тошкент, -2003. -Б. 104;106.

Гаров объекти бўлиб, ҳар қандай мулк бўлиши мумкин: бино ва иншоотлар, қимматли қоғозлар (акция, облигация) ва бошқ.

Ссуда таъминоти текширувини амалга оширганда, биринчи навбатда, гаров суммасига қўйилган талабларини қай даражада бажарилганлигини кўриб чиқиш лозим. Буни қуйидагича амалга ошириш мумкин: кредитнинг асосий қарз суммаси ва фоизлари қўшилган ҳолда, гаровнинг сотилишида мумкин бўлган харажатлар суммаси ҳисобга олинган ҳолда, аммо бунда кредит суммасининг 125% фоиздан кам бўлмаслиги керак. Бундан ташқари, гаровнинг сотиш муддати ҳам текширувдан ўтказилади: гаров талаб қилинган кундан бошлаб 150 кун ичида сотилиши керак.

Берилган кредитларнинг иккинчи мезони бўйича таснифлашнинг тўғрилиги текшириляётганда нафақат муддати ўтган кредит суммаси, балки у бўйича ҳисобланган фоизлар ҳам ҳисобга олинади.

Қайтарилиш муддати ўтган қарзлар – қайтарилиш муддати бўйича (асосий қарз ва фоизлар бўйича) рискни ҳисобга олган ҳолда бир неча гуруҳга бўлинади:

- биринчи гуруҳ rischi – беш кунгача (таъминланган ссудалар бўйича);
- иккинчи гуруҳ rischi – олти кундан ўттиз кунгача;
- учинчи гуруҳ rischi – ўттиз бир кундан бир юз саксон кунгача;
- тўртинчи гуруҳ rischi – бир юз саксон кундан ортиқ.

Қарз олувчининг хўжалик – молиявий аҳволи ёмонлашганда ва шартномада кўрсатилган шартларга риоя қилиш имконияти бўлмаган ҳолларда “Банк ва банклар фаолияти” тўғрисидаги қонунга мувофиқ, банк бундан буён кредит беришни тўхтатишга ҳамда олдин берилган кредитларни муддатидан олдин қайтариб олишга ҳақлидир. Кредит, таъминот сифатида қабул қилинган ва кредит шартномасида кўзда тутилган мажбуриятлар орқали, қарз олувчининг ўз маблағлари ҳисобидан қайтарилади. Агар гаров тўғрисидаги шартномада кўзда тутилган бўлса, банк гаровга қўйилган мулкни мустақил равишда сотиши мумкин. Гаров предмети аукционда (оммавий савдода) ёки воситачи корхоналар орқали сотилади. Агар қарз

олувчи тўлов муддати етиб келадиган кундан бошлаб 90 кун ичида кредит шартномасига мувофиқ, қарзни тўлаш бўйича мажбуриятларни бажариши лозим. Акс ҳолда банк “Банкротлик тўғрисидаги” Ўзбекистон Республикасининг қонунига мувофиқ тўловга лаёқатсизлик (банкротлик) тўғрисида иш қўзғаш учун хўжалик судига мурожаат қилиши керак.

Ҳозирги даврда кредит маблағлари таъминотига қўйиладиган талабларнинг ҳуқуқий ва иқтисодий моҳияти етарли даражада таҳлил этилмасдан тегишли ҳужжатларни юзаки расмийлаштириш ҳоллари юз бермоқда. Банк кредитлари учун ликвидлик даражасининг пастлиги гаров объектларининг етишмаслиги масаласи билан боғлиқдир.

Амалдаги қонун ва меъёрий ҳужжатларнинг талаблари асосида тижорат банклари томонидан ишлаб чиқилган кредит бериш тартиблари, гарчи кредит беришнинг асосий тамойилларига асосланган бўлсада, кредит бериш тартибларида таъминланганлик тамойилига риоя этишнинг иқтисодий ва ҳуқуқий таҳлил этиш тартиби мавжуд эмас. Айнан шундай тартибларнинг кредит бериш қоидаларида белгиланмаганлиги, банкларнинг ноликвид таъминот ёки мажбурият ижросини таъминлай олмайдиган таъминот усулларида фойдаланишларига олиб келмоқда.

Мажбурият ижроси таъминотларига белгиланган амалдаги қонун талабларининг амалиётда юзага келаётган муаммолар ечимини топиш учун етарли эмаслиги кузатилмоқда.

Мажбурият ижросининг етарли даражада бажарилишини таъминлаш учун белгиланган амалдаги қонун талаблари қай даражада мукамал тузилган бўлмасин, юзага келаётган муаммолар ечимини ижобий ҳал этишда мураккаб вазиятлар, асосан, учинчи шахсларнинг жавобгарлиги асосида мажбурият ижросини таъминлашнинг кафиллик, гаров усулларида фойдаланиш жараёнида юзага келмоқда. Масалан, мажбурият ижроси таъминоти сифатида учинчи шахс кафиллиги олинганда барча амалдаги қонунчиликда (Фуқаролик Кодексининг 293-моддаси) кафил кредитор олдида қарздор билан баравар ҳажмда жавоб бериши, шу жумладан, фоизлар

тўпланиши, қарздорнинг мажбуриятини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги туфайли кредитор кўрган бошқа зарарларни тўлаш зарурлиги белгиланганлигига қарамай, мажбурият ижросининг бажарилмаслик ҳолатлари аксарият, айнан учинчи шахслар кафиллик таъминотига тўғри келмоқда. Яъни, мажбурият ижроси талаб этилган даврда кафил шахс тўлов қобилятининг йўқлиги туфайли юзага келаётган муаммолар натижасида мажбуриятларнинг ижро этилмай қолиш хавфининг юзага келишидир.

Мижозларнинг аксарият қисмида юқори ликвидли гаров объектларининг етишмаслик муаммоси муддати ўтган кредитларнинг салмоғини ошишига сабаб бўлмоқда.

Кредитнинг таъминланганлиги деганда, бериладиган кредитнинг қайтарилиши аниқ моддий қимматликлар, пул ҳужжатлари ёки пул маблағларини олишга бўлган ҳуқуқ билан кафолатланган бўлиши тушунилади. Кредитни таъминланганлиги аниқ гаров объектини тегишли тартибда расмийлаштириш йўли билан амалга оширилади. Лекин айрим ҳолларда, масалан, йирик мижозлар кредитланаётганда гаров сифатида аниқ шаклга эга бўлган объект эмас, балки умумий активлар олинishi мумкин.

Шуниси характерлики, гаров объектлари ликвидлилик даражасига кўра бир-биридан тубдан фарқ қилади.

Халқаро банк амалиётида биринчи тоифали гаров объектлари ҳисобланаган объектларни республикамиз банклари амалиётида етишмаслик ҳоллари мавжуд. Халқаро банк амалиётида юқори ликвидлилик даражасига эга бўлган объектлар биринчи тоифали гаров объектлари, деб аталади ва уларга қуйидагилар киритилади:

- ер;
- ҳукуматнинг қимматли қоғозлари;
- Марказий банкда қайта ҳисобга олинадиган тратталар;
- корпорация (корхона)ларнинг ҳукумат томонидан кафолатланган қимматли қоғозлари.

Ер гаров объекти сифатида амалиётда жуда қадрланади. Одатда ернинг баҳоси доимий равишда ўсиб боради ва у барқарор ҳисобланади. Айниқса, ривожланаётган давлатларда ернинг баҳоси сезиларли даражада юқори суръатлар билан ўсади, шунинг учун ҳам ерни гаровга олиш асосида кредитлаш молиялаштиришнинг нисбатан хавфсиз шакли ҳисобланади. Бунда банклар кредит қайтмаганда гаровга олинган ерни сотиш йўли билан кредит ва унинг фоизини ундириб олишларига қаттиқ ишонадилар. Лекин шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, ердан гаров сифатида фойдаланиш учун ҳуқуқий асослар етарли бўлиши лозим. Ўзбекистонда ер фондининг мутлак асосий қисмига нисбатан хусусий мулкчилик ҳуқуқи мавжуд эмас. Қишлоқ хўжалигида деҳқон ва фермер хўжаликларига ерлар узоқ муддатли ижарага берилган, фақатгина ижара ҳуқуқидан банк кредитлари учун гаров сифатида фойдаланиш мумкин. Ҳукуматнинг қимматли қоғозлари дунёнинг деярли барча мамлакатларида юқори ликвидли гаров объекти сифатида тижорат банклари томонидан тан олинади. Бразилия, Аргентина ва Россия давлатларида ҳукуматнинг қимматли қоғозларига нисбатан сезиларли даражада ишончсизлик кайфияти мавжуд. Бу кайфият ушбу мамлакатлар ҳукуматларининг дефолт ҳолатларига йўл қўйганлиги билан изоҳланади. Лекин бундай давлатлар кўпчиликини ташкил этмайди.

Ҳукуматнинг қисқа ва узоқ муддатли қимматли қоғозлари мавжуд бўлиб, улардан кредитлар олишда гаров сифатида фаол тарзда фойдаланилади. Лекин Ўзбекистон Республикасида ушбу объектлардан гаров сифатида фаол тарзда фойдаланиш учун реал шарт-шароит мавжуд эмас. Яъни, биринчидан, Ўзбекистон ҳукуматининг фақат кичик миқдорда эмиссия қилинган қисқа муддатли облигациялари ва ўрта муддатли хазина мажбуриятлари мавжуд. Бу эса, улардан гаров сифатида фойдаланиш имкониятини чегаралаб қўяди. Иккинчидан, ҳукумат қимматли қоғозларининг эмиссия қилинган миқдори нисбатан кичик. Учинчидан, Ўзбекистонда қимматли қоғозлар бирламчи ва иккиламчи бозорлари ривожланмаган.

Марказий банкда қайта ҳисобга олинадиган тратталар, шубҳасиз, юқори ликвидлилик хусусиятига эгадир. Чунки тижорат банки Марказий банкдан ўзига ажратилган қайта ҳисобга олиш контингенти доирасида исталган вақтда тратталарни топшириб, пул маблағлари олиши мумкин. Марказий банк эса, одатда, тўловга қобил субъект ҳисобланади. Афсуски, Ўзбекистон Республикаси банк амалиётида тратталарни Марказий банкда қайта ҳисобга олиш амалиёти мавжуд эмас.

Айни вақтда, тижорат банклари томонидан чиқарилган қимматли қоғозлардан ҳам гаров объекти сифатида деярлик фойдаланилмаяпти.

Маълумки, гаров таъминоти кредит муносабатларининг муҳим элементи бўлиб, кредитларни қоплашнинг асосий манбаларидан бири бўлиб ҳисобланади.

Республикада ҳам ҳозирги кунда халқаро банк амалиётидан келиб чиқиб, кредит – гаров муносабатларини такомиллаштириш борасида анчагина ишлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 30 мартдаги ПФ-3047-сонли “Пул массаси ўсишини чеклаш ва молия интизомига риоя этиш маъсулиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони мамлакатимизда кредит-гаров муносабатларини такомиллаштириш йўлида қўйилган муҳим қадам бўлди десак хато бўлмайди. Ушбу Фармоннинг 5-бандига мувофиқ, хўжалик юритувчи субъектларнинг пул маблағлари етишмаслиги оқибатида, кредитлар бўйича қарзлар ўз вақтида қайтарилмаган тақдирда, тижорат банкларига мижозларнинг розилигига кўра қарзларни уларнинг ликвидли мол-мулкига қаратиш йўли билан ундириш ҳуқуқи берилди.

Мазкур Фармон ижросини таъминлаш мақсадида, Марказий банк, Молия вазирлиги, Давлат мулки қўмитаси, Адлия вазирлиги ва Олий хўжалик судлари ўзaro ҳамкорликда “Банкларнинг кредитлари бўйича қарздорлик ўз вақтида қайтарилмаган тақдирда ундирувчини қарздорларнинг ликвидли мол-мулкига қаратиш тартиби” ишлаб чиқилди ва амалиётга

тадбиқ этилди. (2002 йилнинг 4 декабрида Вазирлар Маҳкамасининг 422-сонли қарори билан тасдиқланган).

Ушбу тартибда қарздор кредит бўйича ўз мажбуриятини ўз вақтида бажармаган тақдирда ҳамда гаровга қўйилган мол-мулк қиймати кредитор банкнинг талабини қоплаш учун етарли бўлмаганда, ундирувни қарздорнинг гаровдан бўш бўлган бошқа ликвидли мол-мулкига қаратиш тартиби аниқ ва равшан белгилаб берилган. Бунда ликвидли мол-мулк сифатида қарздорнинг тез сотиладиган мол-мулки, шу жумладан, ижтимоий инфратузулма объектлари, транспорт воситалари, компьютер ва бошқа асбоб-ускуналар эътироф этилади.

Шунга алоҳида эътибор қаратиш лозимки, кредитор банк ўз вақтида қайтарилмаган кредит бўйича қарзни қарздорнинг ликвидли мол-мулк ҳисобидан ундириш бўйича мўлжали тўғрисида қарздорга олдиндан ёзма равишда хабар бериши лозим. Бунда қарздор билдиришномани олгандан сўнг 15 кун ичида кредитор банкка ёзма жавоб бериши шарт.

Агар қарздор рози бўлмаса, кредитор банк кредит бўйича қарзни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тўлатиш мақсадида даъво билан хўжалик судига мурожат қилиши лозим. Шунингдек, мазкур тартибда қарздорнинг ликвидли мол-мулкининг очиқ савдосини ташкил этиш, савдодан тушган маблағларни тақсимлаш каби бошқа масалалар ҳам ушбу тартибда аниқ кўрсатиб берилган.

Ҳозирги кунда қайтариш муддати ўтган кредитларни ундириш муаммоси, ва мижоз ўртасида тузиладиган кредит шартномасини такомиллаштириш муаммоси ўзининг тўлиқ ечимини топгани йўқ.

Шартномавий муносабатлар бирламчи ҳуқуқий муносабатлар ҳисобланади. Шу сабабли, кредитлар бўйича тўловларни ўз вақтида амалга оширилишига эришиш ва тўлов интизомини мустаҳкамлаш мақсадида, банклар ва мижозлар ўртасида тузиладиган кредит ва гаров шартномаларида мижозлар томонидан кредитлар ўз муддатларида қайтарилмаган тақдирда, банкларга кредитлар эвазига гаровга олинган мол-мулкларни тўғридан-тўғри,

яъни судларнинг аралашувисиз тасарруф этишларининг белгилаб қўйилиши мақсадга мувофиқ ҳисобданади.

Кредит ва гаров шартномаларининг юқоридаги тамойиллар асосида тузилиши банклар ва уларнинг мижозлари ўртасида мажбуриятлар ва ҳуқуқларни ўзаро тенг тақсимланишига ҳамда ижрочилик маъсулияти ошишига хизмат қилади.

АТ “Агробанк” кредит портфелини таснифлаш натижалари шуни кўрсатадики, яхши кредитлар улуши умумий кредит портфелининг 90 фоизидан кўпроқ суммани ташкил қилиб, уларга захиралар ажратилмаган. Бу эса, муаммоли кредитлар улушининг кичиклиги билан изоҳланади. Халқаро банк амалиётидан келиб чиқиб, яхши кредитларга ҳам камида 2 фоиз захира яратиш тўғрисида Марказий банкнинг 242-сонли йўриқномасига ўзгартириш киритиш лозим.

Хулоса сифатида айтиш жоизки:

биринчидан, қисқа муддатли кредитлаш механизмини такомиллаштириш борасида ўз ечимини топмаган долзарб муаммолар мавжуд;

иккинчидан, ишлаб чиқилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар эътироф этилган муаммоларни ҳал қилиш имконини беради;

учинчидан, банкларнинг қисқа муддатли кредитлаш механизмининг такомиллашиши уларнинг даромад базасининг мустаҳкамланишига, мижозларнинг тижорат банклари кредитларидан фойдаланиш имкониятини оширишга олиб келади.

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Илмий тадқиқот жараёнида кредитлаш механизмини такомиллаштиришга қаратилган қуйидаги илмий хулосалар шакллантирилди:

1. Кредитлаш тижорат банклари фаолиятининг бирламчи аҳамиятга эга йўналиши бўлганлиги сабабли, кредит амалиётларининг самарадорлиги тижорат банки молиявий барқарорлигини таъминлашнинг зарурий шarti ҳисобланади. Банклар кредит амалиётларининг самарадорлиги эса, уларнинг кредитлаш механизмини такомиллаштириш орқали таъминланади.

2. Тадқиқот жараёнида халқаро банк амалиётида кредит рискинни бошқаришга нисбатан белгиланган талаблар янада кучайтирилаётганлигини ҳисобга олиб, республикамизда қуйидагиларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир:

– муддати ўтган кредитларга нисбатан белгиланадиган кредит рисқи даражасининг оширилиши, яъни халқаро Базель қўмитасининг янги талаблари бўйича агар кредитнинг муддати тугаганига 90 кундан ортиқ вақт ўтган бўлса ва кредит рисқиға қарши яратилган захираларнинг миқдори кредит бўйича қарздорлик суммасининг 20 фоизидан кам бўлса, бундай кредитларнинг риск даражаси 150 фоиз қилиб белгиланиши;

– агар кредитнинг қайтарилиш муддати тугаганига 90 кундан ортиқ вақт ўтган бўлса ва кредит рисқиға қарши яратилган захираларнинг миқдори кредит бўйича қарздорлик суммасининг 20 фоизидан ортиқ бўлса, у ҳолда бундай кредитларнинг риск даражаси 100 фоиз қилиб белгиланиши;

– тижорат банклари томонидан бериладиган халқаро кредитларнинг риск даражаси кредит олувчиларнинг кредит рейтингига боғлиқ равишда белгиланиши;

– тижорат банклари томонидан бериладиган кредитларнинг гаров таъминотиға нисбатан қўйиладиган талаблар Марказий банк томонидан белгиланишининг шартлиги.

3. Халқаро банк амалиётида кредитларнинг 25 фоиздан ортиқ қисмини битта тармоқда тўпланиши юқори кредит рискинни юзага келтирувчи омил ҳисобланади. 2008 йилнинг 1 январь ҳолатига АТ “Агробанк” кредитларининг 38,0 фоиздан ортиқ қисми қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчи хўжалик субъектларига, 20,3 фоизи моддий-техника таъминоти корхоналарига берилган.

4. Республикамизнинг тижорат банклари томонидан корхоналарнинг кредит тўловига лаёқатлилигини баҳолашда, асосан, 5 та молиявий кўрсаткичдан фойдаланилмоқда. Бу эса, мижозларнинг кредит тўловига лаёқатлилиги хусусида аниқ ва тўлиқ хулосаларни шакллантириш имконини бермайди.

Ривожланган давлатларнинг банк амалиётида мижозларнинг кредит тўловига лаёқатлилигини баҳолашда молиявий коэффициентларнинг барчасидан комплекс тарзда фойдаланилади. Айрим молиявий коэффициентлар уларнинг ўртача тармоқ кўрсаткичи билан солиштириш орқали баҳоланади.

5. Тадқиқот жараёнида республикамиз тижорат банклари кредит портфелини бошқариш самарадорлигини ошириш соҳасида қуйидаги муаммоларнинг мавжудлиги аниқланди:

- мамлакатнинг қатор тижорат банкларида кредит портфелини диверсификациялаш талабига риоя этилмаётганлиги;
- тижорат банклари айрим ходимларининг кредит олувчи хўжалик субъектлари молиявий ҳисоботини тўғри ва ҳаққоний таҳлил этишда зарур малака ва етарли тажрибага эга эмаслиги;
- тижорат банклари кредит бўлинмалари ходимлари ўртасида хизмат вазифалари тақсимоли тўғри ташкил этилмаганлиги;
- мижозлар томонидан тақдим қилинаётган бизнес-режаларнинг банклар томонидан чуқур таҳлил этилмаётганлиги ва кредит шартномалари тузишдаги камчиликларнинг мавжудлиги;

– мижозларнинг сезиларли қисмида юқори ликвидли гаров объектларининг етишмаслиги.

Республикамыз тижорат банкларининг қисқа муддатли кредитлаш механизмини такомиллаштиришга қаратилган қуйидаги илмий **таклиф** ва амалий **тавсиялар** ишлаб чиқилди:

1. Кредит сиёсатида уларни жойлаштиришнинг тармоқ лимитларини ўрнатиш.

2. Республикамыз тижорат банклари кредит портфелининг диверсификация даражаси оширилиши лозим.

Агар тижорат банки кредитларининг 25 фоиздан ортиқ қисми битта тармоққа мансуб бўлган корхоналарда тўпланиши банкнинг кредит портфелининг диверсификация даражаси паст эканлигидан, банк фаолиятидаги кредит риси кучайганлигидан далолат беради.

3. Тижорат банклари кредит бўлинмалари ходимларининг корхоналар молиявий ҳисоботларини таҳлил қилиш борасидаги билими ва тажрибаларини ошириш чораларини кўриш лозим.

Банк ходимларининг молиявий таҳлил соҳасида чуқур билим ва кўникмаларга эга бўлиши мижозларнинг кредит тўловига лаёқатлилигини баҳолашда муҳим аҳамият касб этади. Молиявий кўрсаткичлар ва мижозларнинг пул оқимини тўғри ҳисоблаш молиявий ҳисоботларда келтирилган маълумотларнинг ҳаққонийлигига боғлиқдир.

4. Тижорат банклари мижозларининг аксарият қисмида пул оқимининг беқарорлигини ҳисобга олиб, банкларда мижозларнинг кредит тўловига лаёқатлилигини баҳолашнинг молиявий коэффициентлар усулидан тўлиқ фойдаланишни йўлга қўйиш лозим.

Республикамызнинг қатор тижорат банкларида қўлланилаётган кредит тўловига лаёқатлилигини баҳолаш кўрсаткичлари мижознинг пул оқимини реал даражасини аниқлаш имконини бермайди. Бизнинг фикримизча, ушбу ҳолат етарли даражада баҳолаш кўрсаткичларидан фойдаланилмаётганлиги ва ўртача тармоқ кўрсаткичларини доимий равишда эълон қилинмаётганлиги

билан боғлиқдир. Баҳолаш кўрсаткичларининг асосий қисми ўртача тармоқ кўрсаткичлари билан қиёсий таққослаш асосида аниқланади. Шу боисдан, мунтазам равишда эълон қилинадиган ва ҳақиқий ўртача тармоқ кўрсаткичларининг бўлиши баҳолаш тизимини такомиллаштиришнинг зарурий шarti ҳисобланади.

5. Тижорат банклари кредитларнинг гаров таъминотига қўйиладиган талабларни унификациялаш ва уларни республика Марказий банки томонидан ўрнатилишини жорий этиш асосланди;

6. Қисқа муддатли кредитлашнинг овердрафт, контокоррент усулларини жорий қилиш лозим.

Юқоридаги таклифларимизнинг банк кредит фаолиятига жорий этилиши кредитлаш жараёнини, кредит самарадорлигини яхшилаш борасида ва банкларнинг қисқа муддатли кредитлаш механизмини такомиллаштиришга ўзининг ижобий таъсирини кўрсатади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.

1. Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлари.

1.1. Ўзбекистон Республикаси қонунлари:

1.1.1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. - Т.Шарқ, 1992 йил.

1.1.2. Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида”ги Қонуни. - Тошкент: Ўзбекистон, 1995 йил 21 декабр.

1.1.3. Ўзбекистон Республикасининг “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги Қонуни. - Тошкент: Ўзбекистон, 1996 йил 25 апрел.

1.1.4. Ўзбекистон Республикасининг “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги Қонуни. Ўзбекистон Республикаси банк тизимида бухгалтерия ҳисобини юритишга оид қонунчилик ҳужжатлари тўплами. - Тошкент: Ўзбекистон, 2003 .

1.1.5. Ўзбекистон Республикасининг “Микромолиялаш тўғрисида”ги қонуни 2006 йил 15 сентябр.

1.2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва қарорлари.

1.2.1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори 2005 йил 15 апрел.

1.2.2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Бозор ислохотларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни янада эркинлаштириш соҳасидаги устувор йўналишлар амалга оширилишини жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони “Ўзбекистон” 2005 й.

1.2.3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тадбиркорлик субъектлари томонидан тақдим этиладиган ҳисобот тизимини такомиллаштириш ва уни ноқонуний талаб этганлик учун жавобгарликни кучайтириш тўғрисида”ги қарори “Ўзбекистон”. 2005 й. 15 июнь.

1.2.4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони “Ўзбекистон” 2005 й 1 июл.

1.2.5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Банк тизимини янада ривожлантириш ва бўш пул маблағларини банк айланмасига жалб этиш чора –тадбирлари тўрисидаг”ги қарори, - Тошкент, 2007 йил 7ноябр.

1.4. Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари ва маърузалари.

1.4.3. И.А.Каримов. Бизнинг бош мақсадимиз-жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислох этишдир. - Тошкент: Ўзбекистон, 2005.

1.4.4. И.А. Каримов. Империя даврида бизни иккинчи даражали одамлар, деб ҳисоблашар эди. - Тошкент: Ўзбекистон, 2005.

1.4.5. И.А. Каримов. Банк тизими, пул муомаласи, кредит, инвестиция ва молиявий барқарорлик тўғрисида. - Тошкент: Ўзбекистон, 2005.

1.4.6. И.А.Каримов. Мамлакатимиз тараққиёти ва халқимизнинг ҳаёт даражасини юксалтириш-барча демократик янгиланиш ва иқтисодий ислохотларимизнинг пировард мақсадидир. - Тошкент: Ўзбекистон. 2007.

2. Китоб ва туркум нашрлар.

2.1. Бир томлик китоблар, монографиялар, дарсликлар, мақолалар тўплами.

А) Бир муаллиф:

2.1.1. Абдуллаева Ш.З. Банк рисклари ва кредитлаш. - Тошкент: Молия, 2002й. – 304б.

2.1.2. Абдуллаева Ш. З. Банк иши: ўқув қўлланма. - Тошкент: Молия, 2003. -312б.

2.1.3. Абдуллаев А. Банк мижозлари фаолиятининг иқтисодий таҳлили. – Тошкент, - 79б.

2.1.4. Абдуллаева Ш.З. Пул, кредит ва банклар: дарслик. / Ш.З.Абдуллаева - Тошкент: IQTISOD-MOLIYA, 2007. - 348б.

